

# ТОНГ

Ҳикоялар



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти  
Тошкент—1980

Ҳ 20

Ҳакимали Ҳуктам.


Тонг. Ҳикоялар. Т. «Ёш гвардия», 1980.—  
80 б.

Ҳакимали У. Рассвет.

ББК 84Уз  
Уз

Ҳуктам Ҳакималининг ушбу тўпламга кирган ҳикоя-  
ларида совет кишиларининг бир-бирларига бўлган  
меҳр-оқибатлари, одамийлик, эзгулик йўлидаги инти-  
лишлари акс эттирилади.

320518



Х 70303—164  
356 (04)—80 56—80 4702570000

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1980.

— **Х**ой, одамлар! Сизларда инсоф бор-ми ўзи? Уйимизни яна ўғри уриб кетди!— тонг отиш олдида ёш муаллим Абдулланинг уйидан аёл фарёди кўтарилди.— Қондошмиз, жондошмиз, дейсизлар-у уйимизни ўғри уриб кетса ҳам донг қотиб ухлайверасизлар...

— Эсинг жойидами? Нимага бақирасан?!— каллаи саҳарлаб кўтарилган аёл фарёдидан таҳлика, таажжубга тушган қўни-қўшнилари югуриб кўчаларга чиқинди.— Кечагина уруш тугади. Қўксимизга эндигина офтоб тегди. Ақалли бир кунгина тинч ухлашга қўйсанг-чи! Нима гап ўзи? Ер ютыптимми?

— Бой бўлгурлар, бугун ҳам уйимизга ўғри тушди,— ялангоёқ, ялангбош кўчага қизчасини етаклаб чиққан Ҳосият ҳовлиқиб тушунтира бошлади.— Мана бу норасиданинг ризқини қийиб кетяпти. Ҳар куни аҳвол шу. Ҳаммамиз бир ота, бир онанинг фарзандлари бўлсак, оқибат шу бўлдими? Нимага ҳолимиздан хабар олмайсизлар?! Бечора эрим узоқда ишлайди, эрта кетади, кеч қайтади.

— Ота-боболаримиз ўғри шималигини бил-

масди,— оломон орасидан эркак кишининг шамоллаган кезде содир бўладиган бўғиқ ово-зи эшитилди.— Ўзбекда ҳеч қачон ўғри бўлмаган. Уруш йиллари ҳам ўғрини эшитмагандик.

— Ёлғон гапираётган бўлсам, худога солинглар,— Ҳосният ҳўнграб юборди.

— Кап-катта хотин алдайдими, ўғри бошқа қишлоқдан келаётган бўлса керак,— деди бургут бурун кампир одамларга юзланиб.

— Ҳой, огайнилар,— хитоб қилди ёшгина бир йигит олдинга чиқиб,— бугун пойлаймиз. Ўғрини тутиб олсак, оёқ-қўлларини кесамиз, эшакка тескари миндириб, сазойи қиламиз. Кечқуруи кўчага чиқинглар. Машъала олиб чиқинглар.

Ҳосният пиқирлаганча қизчасини етаклаб орқасига қайтди, уйга кириб, ўзини кўрпага ташлади-ю, юзини ёстиққа босди.

Одамлар аста-секин тарқалишди.

«Ўғрини тутиб олсак, оёқ-қўлларини кесамиз, эшакка тескари миндириб сазойи қиламиз», кўнглидан ўтказди ошхона деворига суялиб турган Абдулла қалт-қалт титраб. Кейин у нэтиробини яшириш мақсадида оёқ учида юриб ҳовлига тушди, дераза томон яқинлашар экан, пешонасини ойнага тираб ичкарига мўралади. Ҳосният қизчасини қучиб: «Яшаш жонимга тегди, сени ҳам, дадангни ҳам ташлаб, онамникига жўнайман, худонинг берган куни ўғри уриб кетади», дея ҳасрат қиларди.

Абдулла аланг-жаланг атрофга назар ташлаб орқасига ўгирилди ва оёқ учида юриб, кун чиқини томондаги пураган пахса девор томон яқинлашди-да, боғ томонга ошиб ўтди. Атрофини кузатди, ҳеч ким йўқлигига қаноат

ҳосил қилгач, қуриган олма ковағидаги халтачани олиб, қўлтиғига қисди-да, дарахтлар оралаб шиддат билан юриб кетди. У қуриган ўтларга қоқилар, мункиб кетиб ўнгланиб олар, лекин халтачани қўйиб юбормасди. Юраги тинмай урарди: «Гуп-гуп». Юраккинаси бамисоли тўрга тушган оҳудай, кўкрак қасфасига сизмай типирчиларди. Қулоқлари остида «ўғрини тутиб олсак, оёқ-қўлларини кесамиз, эшакка тескари миндириб, сазойи қиламиз», деган хитоблар тинимсиз жаранглаб турар, юраккинасини қийнагандан қийнарди. Юрак! Териси устихонига ёпишган Абдулланинг юраккинаси бир неча кундан бери шу тахлит изтироблар орасида бўғилар, эзиларди. Унинг томоғига гўё ўткир учли ханжар тикилиб қолган, на ютиб юбориш, на чиқариб ташлашнинг иложи бор эди. Худога шукур! Ёш муаллим жони, жонгинасини ҳовучлаб аранг кўчага чиқиб олди. Орқасига қарамасликка ҳаракат қилиб сой томонга югурди. Югуриб эмас, учиб кетди. Бургутлар чангалидан аранг қутулиб чиққан кабутардай эркин қанот қоқиб учиб кетди.

Уйларини босиб ўтди. Қишлоқ ортда қолди. Сой соҳилига етиб келганда, у кичик бир тошга қоқилиб йиқилди-ю, миясининг қаеридир узилиб кетгандай туюлди. Танаси тахир ва аччиқ бир огрикдан терлаб кетди. Лекин парво қилмади. Турди, югурди. Оқсоқланиб сой қирғоғига ҳам етиб келди. Орқасига ўгирилди. Ҳеч ким йўқ. Юрак! Юрак ҳамон типирчиларди: «Гуп-гуп!». Гимнастёркаси тердан ҳўл бўлиб кетган, вужуди олов-оташ бўлиб ёнарди. Мияси, юрагидан гўё буруқсиб тутун кўтариларди.

— Худоба шукур!— деди у ниҳоят ўзига ўзи.— Қутилиб олдим. Тутиб олганларида оёқ-қўлларимни кесишарди, эшакка тескари миндириб сазойн қилишарди.

«Бугун ё эрта албатта, қўлга туширишадим,— ўйлади у,— ниятларига етишадим».

— Тентаклар, калтафаҳмлар!— бақириб юборди кейин.— Ахир ўғри ўзи учун, ўз қорни учун нон ўғирлаётган йўқ-ку! Тўғри, ота-боболаримиз ўғри нималигини билмасди. Лекин ота-боболаримиз ўз фарзандларини оч ҳам қолдиришмасди-ку!

У овозидан ўзи қўрқиб кетиб, апил-тапил сувга кечди. Бояқиш бу гал керза этигини ечишни ҳам унутди. Этик қўнжи сувга тўлди. Бари бир у диққат қилмади. Этиги қўнжини шилқиллатиб йўлида давом этаверди. Ниҳоят соҳилни ортда қолдириб, қишлоқ билан колхоз фермаси орасидаги тутзорга етиб келди. Ўзини хилватга урди. Урди-ю, вужуди тутқинликдан қутулди, юраккинаси ҳам тинчиди. Ўтириб этигини ечди. Қўнжидаги сувини тўкди, пайтавасини сиқиб, қайтадан оёқларига ўради. Кийди. Қўлларини тиззаларига тирадида, маъюс атрофга термилди. Тут шохлари яланғочланиб, яккам-дуккам сақланиб қолган сап-сариқ, кап-катта япроқлар чирт-чирт узилар, липиллаб бориб аста ерга қўнарди. Оламини сап-сариқ ранг қоплаганди. Хазон ранги! Хазонли, қарғали, зағчали, чуғурчуқли куз! Қарға, хазон, зағча, чуғурчуқлар кузни олиб келганди. Куз илиқ шамолли, сийрак булутли эди. Булутлар фасли бошланганди...

Фақат осмон, осмонгина мовий рангда эди, у ерларга ҳали куз етиб бормаганди. Беш йил муқаддам... Ҳа, беш йил муқаддам, у, мана

шундай куз оқшомларининг бирида севимли мактабини тарк этиб, азиз ўқувчиларини ташлаб, ўз ихтиёрисиз ҳарбийга жўновди. Мактаб ҳувиллаши, ўқувчилар кўз ёшлари, куз эса сап-сариқ ранги билан уни ҳарбийга кузатиб қолувди. Беш йил... Етим Абдулла беш йил қон кечиб ҳарбийдан — ўқлар, дод-фарёдлар орасидан омон қайтди. Умри узун, толеи раҳмдил экан. Ўлмади. Ўлиши мумкин ҳам эмасди. Ўқувчиларни узоқ ерларда қолдириб ўлолмасди. Ўқувчиларнинг муаллимлари учун тўккан кўз ёшлари, муаллимнинг ўқувчиларга бўлган интизорлиги уни ҳарбийдан омон қайтариб келди. Қолхоз фермасига, ўқувчилари ёнига қатнай бошлади. Қишлоқ билан ферма ораси роппа-роса етти чақирим эди. Абдулла шу масофани кунига икки марта босиб ўтиши керак эди. Кўклам, ёз, куз, қиш... Қиш кунларини йўл унинг учун машаққатга айланиб кетарди. Тиззасигача қор кечиб, бўриларга чап бериб етти чақиримни босиб ўтарди. Бўрилар! Бўрилар орасидан жонни ҳовучлаб ўтиш осонмасди-да, ахир. Беш йил муқаддам қолхоз фермасига муаллим тайинлаш масаласи кўтарилганда бу оғир ишга биринчи бўлиб Абдулла розилик билдирувди. Тажрибали муаллимлар эса ўзларини четга тортишганди. Улар иссиқ танчада, болалари ёнида, хотинлари қучоғида бўлишлари керак эди. Қорлар, бўрилар билан олишиб, фермага қатнаш осонмасди-да. Йўл умрнинг ярмини хазон қилди. Абдулла ёш етим қолиб ҳаёт «қозони»да роса қайнаганди. Ҳаёт «қозони»да қайнаш уни ўша кун илк бор жасоратга чорлади. Кейин... Уруш бошланди. Иккинчи марта жасорат кўрсатди. Ҳарбийга ёзилиб кетди,

мактаблар ёпилди. Етти ёшли болалар саводсиз қолди. Худога шукур! Уруш тугади. Ғалаба билан тугади. Мактаблар қайтадан очилди. Ун икки ёшга чиққан болалар қайтадан биринчи синфга қатнай бошладилар. Болаларни йигиб олиш осон бўлмади. Осон бўлмасди ҳам. Чунки нон ҳали ҳам тахчил эди.

Абдулла хаёлини йигиб ўрнидан турди.

У шиддат билан юриб борар, қулоқлари остида яна одамларнинг ҳайқириқлари жаранглай бошлаган, назарида эса турли башаралар жонланиб, уни таъқиб этарди. Нима қилсин? Нон ўғирламасинми? Унда болаларни йигиб бўладими? Бўлмайди-ку? Уруғ! Ғалла, ҳарбийдагиларга жўнатилди, ҳатто уругликнинг ҳам қутти учиб кетди. Уруш болаларнинг соғини ҳам камайтириб юборди. Қанчадан-қанча болалар туғилмай қолди. Кўчалар сукутга толди. Дала ишларини аёллар ва чоллар бажарди. Эркакларнинг йўриғи бошқа. Эркаклар ҳарбийдан қайтди. Фақат камайиб қайтди... Ҳадемай ишлар изига тушиб кетади. Нон сероб бўлади, хонадонлар яна болаларга тўлиб-тошади. Тўғри, қишлоқда ўғри бўлмаган, ўзбек ўғрини билмагайди. Қишлоқда ўғри чиқишига, ўзбек ўғрини танишига, ахир уруш сабаб бўлди-ку! Ўғри ўз қорни учун эмас, болалар қорни учун ўғирлик қиляпти-ку! Болалар қорни учун қилган ўғирлиги учун Абдулланинг оёқ-қўлларини кесиш, эшакка тескари миндириб сазойи қилиш инсофданми?!

Абдулланинг орзуси — ҳарбийдан қайтибоқ далага чиқиш, аёллар, чолларнинг қўлларида кетмонини олиш эди. Сабри чидамади. Уқувчиларни билан кўришиш мақсадида фермага йўл олди. Болалар бўйнига осилиб олишди,



қўйиб юборишмади. Қўйиб юборишларининг иложи ҳам йўқ эди. Юраклари туташганди. Муаллим ва ўқувчилар юраги! Беш йил муқаддам у болаларни бағрига босиб аччиқ кўз ёшлари билан: «Икки-уч кунда қайтиб келаман», қабилида муомала қилганди. «Керакмас, қайтмайсиз», дея болалар ўша куни этакларига ёпишиб олувди. «Майли, қайтиб келаман», шивирлаганди у ва болаларнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, қочиб қолди. Қишлоққа қайтди. Эртаси куни ҳарбийга жўнади. Болалар уни кутишди, кутишаверди, лекин у қайтмади, қайтолмади. Беш йилдан кейингина юз кўришдилар. Болаларни мактабга йиғиб олди. Бунга нон қўл келди. Колхоздан оладиган «забой»и асқотди. Хотини, қизчасининг ризқини қийиб, болаларга илин-япти. Ўзига қиладиган хиёлати майлику-я, лекин хотини, қизчасига хиёнат қилиш осонми? Хиёнат, уни хотини, қизчаси олдида қувғин қилиб қўйди. Эрта ё индин тутиб олишади. Қўл-оёқларини кесадилар-да, эшакка тескари миндириб сазойи ҳам қилишади. Оёқ-қўлсиз ўғри ферма-мактабга келолмайди. Сазойи бўлган муаллим — ўғри учун бутун йўллар беркилади. Муаллим — ўғри йўлсиз қолди...

Абдулла бошини кўтарди. У фермага яқинлашиб келарди. Итларнинг акиллашлари, қўй-эчкиларнинг маърашлари янграяпти. У ферма дарвозаси олдига етиб келганда, ичкаридан қўй-эчкиларни ҳайдаб чўпон — паст бўйли, паҳмоқ соқол Ҳасан чол чиқди.

— Қеляпсанми, болам? — деди чол ғамгин, — сенга ҳам, болаларга ҳам қийин бўлди. Гўшт бор, нон йўқ. Гўшт нон бўлолмас экан.

— Уруш тугади, ғалаба билан тугади,

ота,— деди Абдулла жилмайиб.— Ютуғимиз шу. Оз қолди, нонни истаганча оламиз.

Чол қўй-эчкиларни ҳайдаб, тепалик томон кўтарилиб кетди. Деворлари сувалмаган хонада болалар ҳайқириқлари янграй бошлади.

— Салом, Абдулла ака!

— Салом, жўжаларим!

— Келдингизми? Нон...

— Келдим. Олиб келдим. Ўтиринглар.

Шовқин-сурон тинди. Болалар чордана қуриб наमत устига ўтиришди. Абдулла қалтираётган қўлларини халтага суқди. Нон олди. Ушатар экан, ўзи томон чўзилган қўлларга тутқазди.

— Мана, мана олинглар! Олаверинглар!

О, у қанчалар бахтиёр! Бахт! Абдулла! Бир... икки... уч... ўн.... қўллар! Муқаддас қўллар! Муқаддас нон! Абдулла шу муқаддас қўлларга, муқаддас нонни тутқазиш учун ахир ҳарбийдан омон қайтди-да! Нон! Болалар! Муқаддаслик! Ана у одамлар нимани тушуна қолишибди. Тушунишса, дод солишармиди. Улар учун муқаддаслик ҳам, номуқаддаслик ҳам йўқ! Нимани истаса шуни қилишсин. Оёқ-қўлларини эмас, исташса бошини кесишсин. Эшакка тескари эмас, чалқанча миндиришсин, сазойи эмас, пазойи бўлсин. Қўрқмайди. Қўрқиш учун туғилганмас. Етимлигида, ота-онасидан айрилганида қўрқиб бўлган. Кейин қўрқув туйғусини унутди. Ҳатто беш йил қонлар, ўқлар орасида юриб ҳам қўрқмади-ку. «Ўғри — менман, мени ўлди-ринглар!», дея бугуноқ кўчага чиқиб ҳайқиради.

Болалар нонларни лабларига яқинлаштирди. Шу билан ўзларини ҳам, муаллимларини

ҳам эсдан чиқаришди. Кўзлар, нигоҳлар нонга, фақат нонга қадалди. Нон ўзлари билан муаллимлариши ҳам четга суриб ташлади. Уруш қолдирган даҳшат шундай қилишга мажбур этди. Абдулланинг кўзлари болаларни кузатар, лаблари эса қуруқ қимирларди. Абдулла оғир хўрсинди ва ҳушини йигиб, болаларга юзланди. Улар нонни еб бўлишган, ҳақиқатга, одамийликларига қайтишганди.

— Дарсни бошлаймизми?

— Бошлаймиз.

Дарс бошланди.

— «А», «Б», «В», «Г», «Д». Дунё, одамларни ўрганиш мана шу беш ҳарфдан бошланди. Беш йил муқаддам ҳам дунё, одамларни ўрганиш мана шу беш ҳарфдан бошланганди. Беш ҳарфдан кейин келадиган ҳарфларга навбат етмасдан уруш бошланиб қолувди. Уларни ўрганиш беш ҳарфда тўхтаб қолганди. Уруш дунё, одамларни ўрганишни шу беш ҳарфда тўхтатиб қўйганди. Бироқ шу беш ҳарф урушнинг ўзини тўхтатиб қўйди. Дунё, одамларни ўрганиш муддатидан орқасига суриб турса бўлар экан. Лекин урушни ўрганишни орқага суриш аело... Уни дарҳол бартараф қилиш зарур экан.

Беш қиз, беш бола навбатма-навбат доскага чиқишди. Дунё, одамларни ўрганишни машқ қила бошладилар.

Абдулла уйига тунда қайтди. Хосият қотирма пиширар, қизчаси ёнида қотирма тишлаб ўйноқларди. «Бояқиш, аёл зотида кек бўлмайди,— кўнглидан ўтказди Абдулла хотинига термилиб,— ўғрини унутибди».

Хосият чой дамлаб кирди. Эр-хотин қизчаларини ўртага олиб тамадди қилишди.

Эр-хотин бахтиёр эди. Ҳосият эптикиб, Абдулланинг слкасига бошини қўйди, сочлари, қўлларини силади, бутун меҳр-муҳаббатини кафтлари орқали ифода этди.

— Яхшиям сизга турмушга чиққан эканман,— деди у шивирлаб,— бахтли бўлдим. Сизни ҳурмат қилиб «забой» беришяпти. Шу... шу ўғри тушаётгани...

— Ўғри ҳам ўлар, қутуларсан,— Абдулла гулдираб қолди...

— Тун-кун худога илтижо қиляпман, ўғри ўлади, албатта ўлади,— деди Ҳосият чехраси ёришиб.— Барчиной, дадангни ўпиб қўй. Даданг бўлмаганда...

— Дадажопимнинг умри узоқ бўлсин!— деди қизча отасининг бўйнига осилиб, кўзларидан ўнар экан.

Тун оғди. Қизча ухлаб қолди. Ҳосият Абдулланинг ёнига ёнбошлади. Узоқ вақт сочларини силаб ётди... У уйғонганда тонг отган, қизчаси ёнида миқ-миқ ухлар, Абдулла эса ғойиб бўлганди. Ҳосият югуриб ошхонага кирди, югуриб кўчага чиқди.

— Ҳой, одамлар!— ҳайқирди, жазавага тушиб.— Уйимизни яна ўғри урди!

— Қўп валдирайверма!— қўшни ҳовлидан овоз эшитилди.— Қанақа ўғри уради? Тун билан пойлоқчилик қилдик. Уйингга мушук ҳам киргани йўқ.

— Сизлар шунақасизлар, одам ўлиб қолса ҳам ишонмайсизлар, сизлар шунақасизлар,— Ҳосиятнинг ҳафсаласи пир бўлиб орқасига қайтди. Қизчасини етаклаб колхоз идорасига чиқди.

— Қишлоқни ўғри босиб кетди,— дея ўшқирди у чўтир юзли раисга.— Худонинг бер-

ган кунн уйимизга ўғри тушадн. Ўғрини тутиб беринглар. Бўлмаса районга бораман, устингиздан шикоят қиламан.

— Синглим, кимдан шубҳа қиялпсиз?— сўради раис ҳайратга тушиб.— Шубҳа қилаётган одамнингиз бўлса, айтинг, ишни судга ошираман.

Хосият бошини эгиб қолди, узоқ ўйлади, лекин жавоб қилолмади. Чунки шубҳа қилдиган одами йўқ эди.

— Эрим узоқда ишляпти,— деди ниҳоят.— Шунинг учун уйимизга ўғри тушяпти. Эримни қишлоқдаги мактабга ўтказиб беринг.

Хосият қизчасини етаклаб уйига қайтди. Шу куннёқ раис Абдуллани идорага чақиртирди.

— Уйингизини ўғри уриб кетаётганмиш,— гап бошлади раис босиқлик билан.— Шу пайтгача қишлоқда ўғри деган гаплар бўлмаганди. Сиз кимдан шубҳа қиласиз?

— Нима кўн — ит кўн, пима кўп — мушук кўп,— асабийлашиб жавоб қилди Абдулла,— балки қотирмани ит, мушук еб кетаётгандир...

— Нимага титраялсиз?— раис Абдуллани жиддий кузатди.

— Титрайдиган касалим бор,— жавоб қилди Абдулла.— Ҳарбийдан орттириб келганман.

— Демак, ҳеч кимдан шубҳа қилмайсиз?— такрор сўради раис.

— Йўқ! Йўқ!— бақирди Абдулла ва секин ташқарига чиқди-да, жуфтакни ростлаб қолди. Уйига кирди-ю, ўзини кўрпачага ташлади. Эрталабгача тўлғониб чиқди. Кўзларини юмар, юмшин билан назарида тош, кетмон, теша кўтарган одамлар устига бостириб ке-

ларди. Юрак! Юраги қинидан чиқиб кетгудай уриб мактабга жўнади. Болаларга «ўғирлик» нонини улашиб берди. Дарс бошланди. «А», «Б», «В», «Г», «Д». Дунё, одамлар ўрганиляпти. Уни беш қиз, беш бола зўр бериб ўрганишяпти. Ёш муаллим Абдулла энтикиб, ҳаяжонга тушиб, ўргатяпти. Доска ўн бор бўялди, ўн бор ўчирилди. Ёзиш, ўчиришни Абдулла болаларни ўпиш билан ниҳоялади. Дунё, одамларни илк бор ўрганганликлари учун болалар шу ўпишга сазовор бўлишди. Навбат беш ҳарфни дафтар саҳифасига кўчиришга етди. Кўчирилди. Саҳифаларга дунё, одамларни ўргана бошлаганликлари қайд қилинди. Дарс давом этишни керак эди. Лекин болалар толиқди. Ахир дунё, одамларни ўрганиш осонмас-да, толиқтиради-да. Буёғи бошқа фасл... Эртанги кун бор. Бунинг учун Абдулла яна нон олиб келиши керак. Ахир дунё, одамларни нонсиз ўрганилмайди-да. Ўрганиб бўлмайди-да. Эртага дунё, одамларни ўрганиш беш ҳарфдан кейин келадиган ҳарфлардан бошланади. Бунинг учун яна нон керак! Шунда дунё, одамлар яна ҳам чуқурроқ ўрганилади.

Дарс тугади. Абдулла болаларни қучиб, ўпди. Уйларига кузатиб қолди. Қишлоққа қайтди. Уйига яқинлашар экан, таҳлика ва таажжубдан кўзлари олайиб кетди. Кўчани оламон тўлдирганди. Оламон қутурган тўлқинлар каби турли томонга чайқаларди.

— Ёрдам беринглар! Бугун яна қизимнинг уйини ўғри уриб кетди!— Абдулланинг қайнонаси дод солиб кўчани бошига кўтараётганди. Хосият қизчасини қучиб ҳўнграб йнгаларди.

— Нима бўляпти ўзи?— қичқирди оламон.— Абдулла, нима қилиб тангрининг ғашига теккан экан?! Уйини ўғри уриб кетяпти! Ўғри осмондан тушяптими, ё ер остидан чиқяптими! Ахир, ҳар кунни пойлоқчилик қиламиз-ку!

— Ана, ўзи келиб қолди,— деди кампир Абдулла томон яқинлашиб.— Қаранглар келишини. Парвойи палак.

— Нима бало, қишлоқни ўғри босиб кетдим!— деди Абдулла терлаб кетиб.— Бугун ҳам уйимизга ўғри тушибдими?

— Қанақа эркаксиз?— бақирди кампир Абдуллага.— Бунча бўшанг бўлмасангиз! Пойламайсизми, ўғрини ушлаб олиб ўлдирмайсизми?! Эрта кетасиз, кеч қайтасиз! Ўргилдим, ўша мактабингиздан. Хотини, бола-чақа ҳам керак!

— Ҳой, одамлар!— турли томондан ҳайқириклар кўтарилди.— Бугун Абдулланинг эшигини беркитамиз. Ичкарига ҳам, ташқарига ҳам одам қўймаймиз. Шунда ўғрининг қаёқдан келаётгани маълум бўлади.

«Худо урди,— деган фикр урилди Абдулланинг миясига.— Энди ўғрини ушлаб олишади».

— Беркитинглар,— деди Абдулла бақириб.— Очилмайдиган қилиб беркитиб ташланглар,— шивирлади кейин,— ҳадемай булар, дунёга ҳам қулф солишади...

Абдулла ичкарига кириб кетди. Орқасидан қайнонаси, хотини, қизчаси ҳам эргашди.

— Бугун қотирма пиширмайман,— деди Ҳосият.

— Пиширма, ўғри учуп пиширасанми,— жавоб қиларди онаси.— Ўғри очдан ўлсин.

— Бугун... — деди Абдулланинг овози титраб,— бугун... нон... олиб келмадим. Колхоз омборида ғалла тугаб қолибди. Эртага...

— Эртага олиб келасизми?

— Олиб келаман.

— Абдулла ака!

Абдулла болаларга қаради. Вужуди қалт-қалт титрар, мияси ари уясидай тинимсиз ғувуларди. Назарида одамлар унинг қўл-оёқларини кесишарди... Абдулла бўрни доскага сурди, бироқ бармоқлари қимирламади.

— Болажонлар,— шивирлади у қасрат билан кейин.— Чарчадиларингиз.

— Чарчаганимиз йўқ.

— Дарсни тугатамиз.

Жимлик... Ниҳоят болалар жилтларини қўлтиқлашиб ўринларидан туришди. Абдулла эшик ёндорисига суялиб, болаларни бағрига босиб ўпди. Ўпди-ю, бурин оқиб кетди.

— Абдулла ака!

— Болажонлар...— у пиқирлаб қолди.— Эртага...

— Нима, эртага келмайсизми?

— Сизларини ях... ях... яхши кўр... кўр... кўраман...

— Абдулла ака!

У орқасига ўгирилиб олди. Юзини чангаллади. Бурнини сиқди. Кейини сунургига ёпишди, олди, наматиин сунуришга тутишди. Болалар турли томонга тарқалиб кетишди. Болалар! Болаликларига боришди...

— Эртага эрталаб,— Абдулланинг овози хириллаб қолди.— Эртага эрталаб... мен болажонларимни кўролмайман. Муқаддас қўлчаларини кўриш ҳам насиб этмайди. Овозларини ҳам эшитолмайман. Улар мени қидири-



шади, лекин топишолмайди. Супурги, челакни излашади, супурги ҳам, челак ҳам жойида турган бўлади. Фақат севимли муаллимлари жойида бўлмайди. Қндиради, қидираверишади. Йўл, йўл узайганидан узайиб бораверади. Уқувчилар билан муаллим орасидаги йўл... Бари бир муаллимни топишолмайди. Чунки муаллим — ўғри бу пайт қўлга тушади, оёқ-қўллари кесилади, эшакка тескари миниб, сазойи қилинади...

Абдулла бор кучи билан супургини бурчакка ирғитди ва халтасига ҳам қарамай, ташқарига чиқди-да, атрофни кузатди, болалар кўринмагач, йўлга тушди, орқасига қарамай югурди, югураверди. Йўл бўйи ҳиқирлаб борди. Уйига кирди. Эшиклари очик эди... Хотини қизчасини олиб кетиб қолганди...

Абдулла югуриб кўчага чиқди. Турли томонга югуриб хотини, қизчасини излади, излади...

— Хосият! Санобар! Келинлар, уйимизга бошқа ўғри тушмайди!— дея бор овозида қичқирди. Лекин жавоб бўлмади. У маъюс ёнига ўгирилди,— қўшни уй — мактаб директорининг уйига кирди.

— Мен ғирт саводсиз одамман. Болаларни ўқита олмадим. Муаллимликдан бўшатинг. Колхозга чиқиб аравакашлик қиламан,— бўкирди мактаб директорига ва орқасига қайтди, уйига кирди, ўзини бўйра устига ташлади.

Кўчада эрталабгача одамларнинг ҳайқириклари тинмади. Ичкарида, совуқ бўйра устида Абдулла тинирчилар, тўлғанарди: «Ўғрини ўлдирдиларингиз! Сизлар ўлдирдиларингиз!— дея фарёд чекарди.— Болаларим,

болаларимни ўғрисиз қолдирдингиз. Болаларим, энди ўғриларини кўролмайдилар!»

Орадан ўн кун ўтди. Қанчадан-қанча япроқлар узилиб тушди. Қарғалар, зағчалар, чугурчуқларни ҳам ферма йўлида ҳеч ким безовта қилмади. Ўша кунларнинг бирида болалар ферма дарвозаси олдида муаллимларини кутиша туриб, узоқдан ўқ тезлигида учиб келаётган икки отли аравани кўриб қолишди. Аравакаш жазавага тушиб, отларга қамчи босар, бақирар, лекин ферма томонга қарамасди.

— Абдулла ака! Абдулла ака!

— Абдулла ўлди, Абдулла ўлди, уни одамлар ўлдирди,— аравакаш ҳўнграб йиглаб юборди. Унинг кийим-боши йиртилиб, соқол-мўйлови ўсиб кетганди.

## ЯПРОҚЛАР ТЎКИЛДИ

Эртага чексиз-чегарасиз ғарб уфқи қизара бошлаганда узоқлардан «хуппп...!» деган овоз эшитилди-ю, мовийликка чўкиб бораётган думалоқ олов-қуёш юзида поезднинг пешонаси намоён бўлади ва аста-секин йириклашиб бораверади. Бир сафга тизилган ва ўқ тезлигида олдинга сурилаётган шер янглиғ яшил вагонлар орқароққа бориб тораяверади. Сўнг вагонларнинг икки томонидан кучли шамол кўтарилади-да, хуштак чала бошлайди ва атрофни чанг-тўзон қоплайди — қолади, кейин яшил вагонлар тезлиги сусая бориб, ғилдиракларнинг бир маромдаги «тақатуқ»лари тинади, «қарс-қурс» овоз чиқаради-да, тўхтайди. Худди шу пайт вагонларнинг

патнусдай ойпасидан бир-бирини сураётган тирсаклар, силкинаётган қўллар, тўзғи-ган сочлар, шамолдан жунжиккан юзлар кўришади ва еру кўкни: «Мана, биз ҳарбийдан қайтаямиз!» деган хитоблар тўлдириб юборади. Бунга кутиб олувчиларнинг: «Ой бориб, омон қайтмасизларми?», деган қичқириқлари қоришиб кетади. Ишайкейин жимлик, даҳшатли жимлик содир бўлади ва яна нотинчлик бошланади. Сўнг эса ойналарнинг биридан Деҳқоннинг ҳам келг пешонаси кўринади-ю, қўллари силкинади. Ўша офтобда қорайган пешона, йўгон серпай қўллар кўрипармикин? Кўринса қандай яхши бўлар эди! Ахир Мазифа ўттиз йилдан орттиқким яшил вагонлар келиши, ўша пешона ва қўлларни кўринишини кутаяпти-ку. Бир аёлниги сабр-тоқати! Чексизлик, чегарасизлик... Деҳқон бу гал албатта қайтиши керак. Қайтмай кўрсинчи! Қайтмасликка ҳаққи йўқ! О, кейин нима-лар юз бераркин? Мазифа ҳаяжондан қалт-қалт титраб, қўлларини ёзади-да: «Деҳқон, Деҳқоним! Мана, мен сизни кутиб олишга чиқдим! Кутавериб кўзларим тўрт бўлди!» дея овози борича қичқирди. Шамол сочларини қош-кўзлари устига ёнаётган Деҳқон сакраб ерга тушади, аниқ-тапиқ сочларини орқасига ташлайди-ю: «Мазифа! Мазифагинам! Мана, мен қайтдим! Мана, шу учрашувни кута-кута тоқатим тоқ бўлди, сочларим оқариб кетди! Узоқ, жуда узоқ айрилиқдан сўнг дийдор кўришадиган бўлди», дея хитоб қилади. Деҳқоннинг олтин жарангидай соф ва тиниқ овози пахтазор узра узоқ янграб туради.

Эртага қишлоқ йигитлари ҳарбийдан қайтишади. Ҳарбий удумга кўра ўша йигитларни

икки йил муқаддам қишлоқ халқи узоқларга кузатиб қолишган эди. Мана қайтишяпти. Улар билан Деҳқон ҳам қайтади. Суратда жилмайиб турган кенг ва дўнг пешона, бургут бурун, кўзлари катта, яшил ранг, бўғма ёқа гимнастёркадаги шу Деҳқон!

Хона ўртасида мунгайиб турган Мазифа шу ўйлар билан тахмонга яқинлашди-да, суратни михга илиб қўйди ва огир, жуда огир хўрсиниб ёнига ўғирлар экан, дераза томон яқинлашди. Кўзларини юмиб, пешонасини ойнага тиради. Тасаввурида мовий уфқ, думалоқ олов-қуёш, яшил вагонлар жонланди ва огир, чексиз ҳаёлга чўмдирди.

Унда уруш бошланмаган, ҳақиқий фожиаси ҳам юз бермаган эди. Фожа бошланмасдан сал олдин, бутун қишлоқни «уруш бошланибди», деган хитоблар босиб кетди. У чимилдиққа кирганди. Эртаси куни келин-куёв уйида чироқ ўчмай қолди. Ёқилган чироқ қейин ҳам ўчмади.

Тонг отди. Кўчага биринчи бўлиб Мазифа чиқди. Кейин Шафоат, Асолат, Ойша холалар чиқишди. Бояқиш Ойша хола шошилганидан рўмол ўрашни ҳам унутиб қўйибди.

— Мазифа, эрта турибсан,— деди Асолат хола уйқули кўзларини ишқалаб,— биз билан йигитларни кутиб олишга чиқасанми?

— Ҳа.

— Тўғри қиласан. Қўшниларикинг эсларига ҳам келмайди. Орадан қадр кўтарилди. Эсинг-даки, уруш йиллари қишлоқдан бир йигит ҳарбийга жўиаса, бутун халқ кузатишга чиқарди. Ахир ҳаммамиз ҳам бир она, бир отанинг фарзандларимиз. Шу, Деҳқоннинг қайтмаётгани...

Ниҳоят, тоғлар ортидан қуёш кўтарилди. Одамлар қишлоқни кесиб ўтадиган катта йўл бўйлаб станцияга йўл олишди. Улар ҳарбийдан қайтишаётган фарзандларини кутиб олишга чиқишяпти. Қишлоқ билан поезд станцияси орасидаги масофа уч чақирим эди. Бу масофани жуда қисқа муддатда босиб ўтиш мумкин... Поезд станцияга кеч соат бешда келиб тўхтарди. Лекин, одамлар эрталабданоқ йўлга чиқишди. Йўловчилар кўпчилик эди ва улар орасида узоқ, жуда узоқ йиллардан бери эрининг қайтишини кутаётган тул аёл Мазифа ҳам бор эди. Мазифа уч кунлик келинлигида худди шу йўлдан биринчи бор қайлиғини ҳарбийга — урушга кузатишга чиққанди. Уч кунлик келин! Гўё икки ёш нурдай учрашди ва нурдай ажралишди. Кейин ҳар йили чиқадиган бўлди, яна чиқаяпти. Албатта, бу сўнгги чиқиши эмаслигини у яхши биларди. Унинг тасаввурида Деҳқон бу гал узоқ айрилиқдан сўнг яна шу йўлдан қайтиши керак эди. Ахир Деҳқон биринчи марта ҳам Мазифанинг истиқболига шу йўлдан келмаганмиди?! Поезд станцияга олиб чиқадиган шу йўл қирларга туташиб кетар, урушдан олдин Деҳқон ўша қирларда буғдой ўрар эди. У пайтлар одамлар урушни китоблардан ўқишган, фожналарни эса эртаклардан эшитишган эдилар. Ҳақиқий уруш кейин бошланди, фожиаси ҳам кейинроқ юз берди. Фожа юз бермасдан олдин эса Мазифанинг онаси Хосият хола колхозчиларга нон ёпарди. Ишнинг тигизлиги, одамларнинг етишмаслиги сабабли Хосият хола нонни далага чиқиб ёпадиган бўлганди. Ўша кезлар поезд йўли ортидаги қирдан ел-

калари тош кўтарадиган полвонларникидай кенг, чеккасига қизил дурра танғиб олган бир йигит қизил, қашқа отда келиб, ўроқчиларга нон таший бошлади. Қирда иш тигиз, колхозчилар бир тан, бир жон бўлиб буғдой ўришлари керак эди. Қолхоз раҳбарлари йигитни колхозчиларга нон етказиб беришга боғлаб қўйишган эди. Йигит қуёш тик кўтарилганда, колхозчилар тушликка чиқишаётганда нонга келарди. Йигит чайлага етиб келиб от жоловини тортар, тер ва чангдан қорайган пешонасини арта туриб: «Ҳосият хола, нонни ёпиб бўлдингизми? Тезроқ бўлинг, ўроқчилар кутиб қолишди», дерди. Ҳосият хола енгини тирсагига тортар: «Ҳой, йўғон-йўлпи ўғлим, ҳозир, мана, ҳозир ўраб бераман», дея йигитга жавоб қилар эди. Йигит тандир ёнига чўкиб, иссиқ нондан бирини буклаб, оғзига тикар, челақтаги сувдан симирар, сўнг нон ўралган дастурхонни билагига илиб орқасига қайтар эди. Қолхозчиларга нон етказиб бериш қийинлашгач, Ҳосият хола бригадирдан ўроқчи қизи Мазифани ёрдамга сўраб олганди.

— Ҳой қиз!— дея мурожаат қиладиган бўлди кейинчалик қир томондан от ўйнатиб келадиган ўша йигит,— нонинг қизариб қолдими? Тезроқ бўл, колхозчилар кутишяпти. Тезроқ...

— Мунча сабрсиз бўлмасангиз,— дерди қизариб Мазифа ҳам,— озгина сабр қилсангиз пишади. Тавба, одам ҳам шунчалик сабрсиз бўладими.

— Ҳой қиз,— гапни давом қиларди йигит нон тишлаб,— қирдагилар сенинг сабр-пабирингга қарашмайди, уларга нон керак. Тез-

роқ ҳаракатингни қил. Йўқса теримга сомон тиқишади.

Йигит дастурхонни билагига илар, сакраб эгарга минарди-да, қизил қашқа отини қир томон ўқдай учириб кетар эди. От чопар, чопаверар, кўздан йўқолгач эса, Мазифа учун оғир, жуда оғир дамлар бошланар эди. Қир томонга қарар, қарайверарди. Тонг отиши, кун ботиши, тун чўкиши шундай кечикиб кетардики... Мазифа йўлга термилавериб, тандирдаги нонни куйдириб ҳам юборар эди. Тезроқ келақолса-чи... Биргина орзуси шу «келақолса-чи» бўларди...

— Ҳой қиз,— кутилмаганда яна ўша таниш овоз эшитиларди тушга яқин,—нонинг пишдими? Вақтида узиб бермасанг, ўзингни қирга олиб кетиб қоламан. Отимга қара, гижинглайти. Биласанми, нимага гижинглайти? Сени миндириб кетишга...

— Жимнинг, ойим эшитиб қолса, бошимга ит кунини солади, шундай дейишга уялинг-э, ахир мени унаштириб қўйишган-а. Одамлар эшитишса...

— Нима дейишса дейишаверишсин. Югурганники эмас, буюрганники бўлади.

— Етар, тантиқлик қилманг. Гапингизни унаштириб қўйишган йигит эшитса борми, иккаламизнинг ҳам ҳолимизга маймунлар йиғлайди. Бўлди, ҳаддингиздан ошманг.

— Тағин ўзининг ҳолига маймунлар йиғлаб қолмасин.

Шу-шу бўлди-ю, Мазифа йигитнинг келишини, «олиб кетиб қоламан» дейишини тоқатсиз кутаверди... кутаверди...

Кутилмаганда Мазифанинг оёқларига бир нарса тегди ва фикрини пардай тўзитиб юбор-

ди. У бошини кўтарди. Болалар тош отиб, бир-бирларини қувишар, катталар бир маромда станция томон илгарилар эдилар.

— Мазифа,— деди Шафоат хола қўлларини бўксасига тираб,— яхши одатинг бор-да. Ҳар йили йнгитларни кутиб олишга чиқасан.

— Ҳа,— дея Мазифа бошини эгди. Бошқа жавоб қилмади, қилишнинг иложи ҳам йўқ эди. Аслида Деҳқоннинг илинжида станцияга келаётганини Шафоат хола ҳам, Мазифа ҳам яхши билар, фақат бир-бирларидан сир тутаетган эдилар.

«Қағ-қағ!» Мазифа бошини кўтариб атрофга аланглай бошлади. Бир тўда ғозлар бир сафга тизилишиб шимолдан жануб томонга учиб ўтишаётган эди. «Қағ-қағ!»— Ғозлар! Қанот, дум, қоринлари оппоқ, қизил оёқлари пардали ғозлар! Демак куз бошланган. Деҳқон ҳарбийга жўнаётган ўша кунни ҳам ғозлар шимолдан жанубга учиб ўтишган, сўнг баҳоргача орқаларига қайтмаганди. Яна изларига қайтишяпти. Фақат Деҳқон... Бир қур учиб ўтишганларида осмонни кумуш ранг булут қоплаган, кумуш рангли ёмғир ёққан, олам ҳам шу рангга бурканган эди. Худди ўша купн эмасмиди Деҳқон бўғилиб: «Ҳой қиз, бугун кечқурун канал бўйида кутиб тур, сенга айтадиган гапим бор», дегани. Мазифа Деҳқонни бир қўлга туширай, роса кутсин дея уйига йўл олган, канал бўйига етгач эса, беихтиёр тўхтаб қолган эди. Колхозчилар канал ортига ўтиб кетиб, пахтазорга кулранг туман чўкканда ҳар томондан «тақа-туқ!» от туёқлари овози эшитилган-у, яқинлашиб келаверган эди. Кейин... кейин Мазифа ўзини



қизил қашқа от устида кўрган, Деҳқон қушдай енгил кўтара туриб, бағрига босган эди. Иннайкейин тушда юз бергандай бир ҳол... Деҳқон от жilовини қир томонга буриб Мазифани олиб қочиб кетган эди.

— Отни тўхтатинг,— қичқирган эди Мазифа,— одамлар кўриб қолпшади. Гап қилишади. Ойим... ўлдириб қўяди...

— Кўришаверишсин. Гапиришаверишсин. Одамлар нималар дейишмаган. Бари бир олиб қочишлар бўлаверган.

— Шошманг, отни тўхтатинг,— Мазифа бўғилган, ўзи эса Деҳқоннинг пинжига суқилаверган эди.

Тун, бедов устидаги ўроқчп йигит ва нон ёпувчи қизни одамлар, барча мавжудлик назаридан беркитган эди. Бундай саҳоватли, кароматли тун шу пайтгача юз бермаган, бериши мумкин ҳам эмасди. Ўша тун тугилаётган кез от мовий бўшлиқлар аро қушдай енгил учган, учаверган эди. «Тақа-туқ!»— туёқлар! От учун олам теп-текис сайхонга айланган эди-ю, ошиқ-маъшуқларни муҳаббат масканига элтар эди. Муҳаббат масканига, инсон, жумладан барча тирик жон бирдай талпинган шу азпэ масканга! Қаёнга элтмоқдасан уларни чопқир тулпор! О, от-қуш! Мунча чопқир бўлмасанг! Чиндан ҳам муҳаббат масканигами?! Ҳо... Мазифанинг юраги шу кўйи хитоб қиларди. Қир, янги буғдойдан бўшалган она-Ер! Кейин, Деҳқон отнинг жilовини шашт билан тортиб, ерга тушмаганмиди. Ҳа, тушган эди-да, Мазифани гулни авайлагандай авайлаб кўтара туриб, ерга қўйган эди.

— Ҳой қиз!— ҳайқира бошлаган эди, кейин Деҳқон.— Мана, биз ўраётган буғдойлар-

ни кўр! Яқинда янчамиз, одамларга улашамиз. Ҳа, одамларга.

Мазифа қочган, Деҳқон қувиб етиб олган ва кўтариб гарамга ўтқазган, сўнг жимиб қолганди. Жимлик. Муҳаббат жимлиги... От-қўш қулоқларини солинтириб, думини шарвиради турмовдими. Ўша дақиқа турувди. Тун қуюқлашгандан қуюқлашган, юлдузлар хиралашиб қолган эди. Муҳаббат ҳаяжонни юлдузларни ҳам хиралаштириб қўйганди.

— Деҳқон ака!

— Ҳой қиз, эртага уйингга совчилар боришади,— узоқ жимликдан сўнг хириллаган овоз эшитилган, бу овоз қизни чўчитиб юборганди.

— Ростданми? Ростданми?

Жимлик. Огир жимлик. Ер уйқуга толганди. Бошқа изоҳга ҳожат қолмаган эди ва бунга зарурият ҳам туғилмаётган эди. Тун яримда от-қуш уларни яна қишлоққа элтиб қўйган эди. Эртаси кун Мазифанинг уйига чиндан ҳам совчилар келишган эди. Уларни яна от-қуш қовуштирмаганмиди? Қовуштирганди. Мазифани от-қушга миндиришиб аёллар «ёр-ёр»лар билан узатишиб боришмаганмиди? Боришганди. Гулхан! Гулхан атрофида айланаётганда оз бўлмаса от Мазифани йиқитиб юбораёзганди. Аслида йиқитмасди. Йиқитиши мумкин ҳам эмасди. Ўзи қовуштирган келинкуёвни қандай қилиб ҳам йиқитсин? Мазифа ҳам оёқлари узун, ингичка, танаси балиқдай сирпанчиқ отнинг йиқитмаслигини яхши биларди.

Мазифа бошини кўтарди. Ҳозлар қир ортига ўтиб кетган, шу билан Мазифанинг қал-

бида ҳам куз тугаган, уни гозлар тугатган эди. Уша йили гозлар орқаларига қайтганда Деҳқон қишлоқда йўқ эди, қўлига қурол тутиб урушда юрар, Мазифа эса пахта терар, хат кутарди.

Ниҳоят, одамлар поезд станциясига ҳам етиб келишди. Темир йўл билан машина йўли кесишадиган ерда ола таёқ кўтарилиб турар, ўнг томонда эса сарғиш тахтали уй кўзга ташланарди. Қия очилган эшик ёнидаги курак суяклари туртиб чиққан йўл қоровули бир нималарни титкилар эди. Мазифа чекаверишдан тишлари тўкилиб, мўйлови сарғайиб кетган ва қовоқлари салқиган шу йўл қоровулини биринчи бор станцияга чиққан кунни таниб олган эди. Йўл қоровули атрофида ўралашётган болаларни туртиб: «Қани, чиқларинг, жонимга тегиб кетдиларинг, ҳар кун шу аҳвол», дея ташқарига ҳайдар эди. Шу пайт узоқдан «хуппи...» деган овоз эшитилди-ю, одамларнинг диққатини тортди. Йўл қоровули апил-тапил ташқарига чиқди-да, ола-таёқни туширди. «Тақа-тўқ!»— овози тобора яқинлашиб келар, одамлар бир-бирларини туртишиб, қўлларини елкаларига қўйишиб, олдинга чиқишга ҳаракат қилишар эди. Ана, поездинг пешонаси ҳам кўринди. Поезд тинмай ҳайқирар, вагонларнинг гоҳ бош томони, гоҳ орқа томони кўриниб қолар, тобора яқинлашиб келар эди. Одамлар «гурр» этиб илгарилашди, бироқ, поезд тўхтамай ўтиб кетди. Оламон олдидаги Мазифа ўзини орқага тортди. Лекин кўзларини поезддан узолмади. Поезд узоқлашгандан узоқлашиб борар, сўнгги вагон эса Мазифанинг вужудидан узилиб улгурмаган, қайқирғи юрагини ларзага сола-

ётган эди. Шу тарпқа поезд анча жойгача Мазифанинг вужудида юриб борди ва охири чиқиб кетди. Деҳқонни кузатиб чиққан ўша куни ҳам шундай ҳол юз берганди. Деҳқон ўша куни эрталаб қаёққадир чиқиб кетган, қош қорайганда қайтган эди.

— Тинчликми?— сўраган эди Мазифа Деҳқоннинг гамгнн чехрасига термиллиб.

— Районга бориб қайтдим,— жавоб қилган эди Деҳқон оғир хўрсиниб,— эртага ҳарбийга жўнайман.

Шу куни чимилдиқли уйда чироқ ўчмаганди...

— Ҳой, нима дейсан, Собир аканинг ўғли Деҳқон ўзи ҳарбийга ёзилиб келибди.

— Тавба, одам ҳам ўзи урушга ёзилади-ми. Ўзини ўққа тутиб берадим. Ахир уруш — ўлим-ку!

Хитоблардан Мазифанинг қулоқлари том бўлиб, тахлика, таажжубдан ўзини қўярга жой тополмай қолган эди.

— Нимага, тўйдан олдин ногора қоқасизлар?— деган эди, ичкаридан чиққан Деҳқон асабийлашиб.— Бошимизга кулфат тушса, нима, мен қараб ўтиришим керакми? Ёв бостириб келса, сизлар омон қоласизларми? Ўзим ёзилиб келдим.

— Ҳа, ўзим...

Мазифа шу кунни жимгина, Деҳқоннинг орқасидан уйга кирган эди. Нима ҳам дейиш мумкин эди. Ахир Деҳқон шаҳарга томошага кетмаётган эди-да. Мазифа пинҳон йиғлаган, кўз ёшларини одамлардан, қайлиғидан яширган эди. Икки кундан кейин эса у ота-онаси, опалари билан Деҳқонни кузатиш учун район марказига йўл олган эди. «Район ҳарбий Ко-

миссарнати» деб ёзиб қўйилган бир қаватли бино олдиға келишганларида Деҳқон ичкарига кириб кетган эди. У билан кетма-кет Мазифанинг отаси, онаси ҳам ичкарига шошилишганди. Мазифа дераза тағиға яқинлашиб ичкарига қулоқ солганида: «Уғлим, инсоф қилинг, куёвимизни қолдиринг, уйланганига атиги уч кун бўлувди», деган гаплар эшитилиб, бунга: «Отахон, онахон, уруш ҳаммамизнинг бошимизга тушган мусибат. Ватанимизни ёв босди, ҳаммамиз қўлимизга қурол олиб жангга отланишимиз керак. Омонлик бўлса, куёвингиз ҳадемай қайтиб келади», деган овоз уланиб кетмовдимми? Ҳа, шундай бўлувди.

— Сеида тил борми, эрингинг орқасидан кир,— деган эди катта онаси ичкаридан чиқиб,— ота-онаси узоқда туради, келишсин-да.

— Синглим, мунча бўш бўлмасанг, югур ахир,— деган эди кичик онаси ҳам,— турмуш қурганимизга уч кун бўлувди, де.

— Кир ахир.

— Кирсанг-чи.

Мазифа тиришган-буришган юзларга қараган, сўнг бирдан кўнгли озиб, боши айлана бошлаган эди. У ўқдай учиб ичкарига отилган, тўрда, узун курси орқасида турган ҳарбий кийимдаги новча одамга ва Деҳқонга қараб ғулдираб қолганди.

— Эрингизни кузатгани чиқибсиз,— ўша новча одам мурожаат қилган эди унга,— қайлигингиз ўз хоҳиши билан келиб ҳарбийга ёзилди, бошимиз кўкка етди. Ҳар бир Ватан фарзанди шундай бўлиши керак.

— Хи... хи...— Мазифа дудуқланиб қолган ва зўрға фикрини ифода қилган эди,— ҳа, ҳа, тўғри.

— Раҳмат, синглим. Эшитдим, турмуш қурганингизга уч кун бўлган экан. Ҳечқиси йўқ, омонлик бўлса ҳадемай қайтиб келади. Бизга қолса, ҳеч кимни безовта қилмасдик.

— Гапирдингми, қайтаришадиган бўлдингми? Гапирсанг-чи.

Мазифа ташқарига чиқиб гангиб қолганди.

Одамлар ҳарбийга жўнаётганларни шу ердан, станциядап кузатишлари керак эди. Фақат Мазифагина шу ердан қайтмаслиги керак эди. Қайтолмасди ҳам. Машина поезд станцияси томон жўнаганда Деҳқоннинг Қошиф исмли укаси акасининг отига минганди.

— Ака, мени ҳам олиб боринг,— дея Мазифа ёлворганда Қошиф янгасини орқасига миндириб олиб, отга қамчи босган эди. Отқуш машина билан станцияга кетма-кет етиб келган эди.

— Мазифа!

— Қўнглим озиб кетяпти,— шивирлади Мазифа Деҳқоннинг кўксига бошини қўйиб.

— Қорнинг оч, ичингга ҳеч нарса киргани йўқ. Нон-пон еб ол.

— Ҳеч нарса егим келмаяпти.

— Қани, тезроқ вагонга чиқинглар. Поезд жўнайди,— кимдир хитоб қилган эди.

Деҳқон Мазифани бағрига босиб, вагон тутқичига ёпишган, Мазифа эса Деҳқоннинг билагига осилган эди.

— Мени ташлаб кетманг, олиб кетинг! Вагонлар тезлашгандан тезлашиб борарди:

— Мазифа, қўлингни торт, йиқиласан.

— Янга, тушинг.

— Агар... Фарзанд... эшитяпсанми, ёзиб юбор, исмини ўзим қўяман,— демаганмиди Деҳқон. Деган эди...

Мазифа юз тубан йпқилган ва ўнгланиб олиб яна вагонлар кетидан югурган, югураверган, юзини бир нималарга уриб олган, бурнидан иссиқ бир нарсалар оққан эди. Қон! Лекин у қонга ҳам диққат қилмай югурган, югураверган, вагонлар эса узоқлашиб бораверган, у орқада қолаверган эди.

Кейин... кейин... ғозлар бир неча бор шимол томондан шарқ томонга, шарқ томондан эса шимол томонга учдилар. Бир неча бор чигит экилиб, пахта ҳам териб олинди. Лекин ҳаммаси хотира ва тасаввурга айланиб қолаверди.

Воқеанинг бўлгани шу! Йўқ! Йўқ! Бу бошланишн холос. Орқада яна узоқ, жуда узоқ жудолнк масофаси турибди. Бундан буёғи фожианинг ҳақиқий бошланиши бўлади. Уруш фожиаси ҳам ниҳоясиз бўлгани каби йўлнинг изтироблари, кутиш ҳам ниҳоясиздир.

Мана, соат бешга яқинлашиб қолди. Тоғ томондан совуқ шамол эса бошлади. Йўл қоровули ён чўнтагидан сариқ занжирли соатини олиб кўзларига яқинлаштиряпти. Болалар унга тинчлик бермаяпти. У эса асабийлашиб уларни ҳайдаяпти. Роса ўн дақиқадан сўнг поезд келиб тўхтайди. Ҳайқиради. Бу: «Ҳой одамлар! Мана, фарзандларингизни олиб келдим», дегани бўлади. Мазифа кўпдан бери поезднинг тилига тушуниб қолган эди. Ана, қуюқ тутун бурқитиб келаётган поезднинг пешонаси кўринди. Кўкиш вагонлар бир сафга тизилишиб, сув устидаги қайиқлардай бир текис сузиб келаяпти. Филдираклар овози мунгли куйга ўхшайди. О, қанчалик мунгли-а, Деҳқон ва тул аёл куйи... Уруш фожиаси қолдирган куй... Тутунлар гилдиракка ўхшаб буралиб, юқорилаган сари тарқалиб кетяпти. Ма-

на, ойналар ҳам кўринди. Бошлар, тирсаклар чиқиб турибди. Сочларни шамол тўзғитяпти. Одамлар вагонларнинг тўхташига ҳам тоқат қилмай турли томонга югуришяпти. Деҳқон қайси вагонда экан? Бирдан, ҳа бирдан «визиллаб» ўтаётган вагонларнинг биридан Деҳқон кўриниб қолди. Деҳқон! Мазифа сесканиб кетди ва ойналарга аланглай бошлади. Йўқ! Деҳқон йўқ эди. Ҳаммаси тасаввурлар эди. Тасаввурида Деҳқон ҳарбийга кетаётган кундагндай оқ ятакда жонланган эди, холос. У бир нафасгина аёл тасаввурида жонланди-ю, худди шундай сўниб кетди. Сўниб эмас, визиллаб ўтаётган кўкиш вагонларга қоришиб кетди. Ниҳоят, поезд яқинлашиб келди-да, филдираклар қасир-қусир қилиб тўхтади. Йигитлар зиналарга чиқишиб, қўлларини силкишиб, хайқиршяпти: «Мана, биз қайтдик!» Одамлар зиналарга тирмашяпти: «Ой бориб, омон қайтдиларингизми?» Мазифа уён-буён югуриб Деҳқонни қидиряпти. Қизик, у жиламайиб тушармикан? Юзини ажин босганмикан? Бунинг аҳамияти йўқ. Қайтсин. Қўл-оёғи йўқ бўлса нима қилибди? Ҳатто бутун умр бир жойда ўтирса ҳам майли. Ҳар ҳолда ёнида бўлади-ку! Қизик, нима учун шу пайтгача тириклиги ҳақида на хат, на хабар бўлмади.

— Орқароқ туринглар, мунча без бўлмасаларингиз,— йўл қоровули жазавага тушиб одамларни орқага суряпти.

— Нима, бу бефарзандми, меҳр деган нарсаси йўқ-а? Болаларимизни кутиб олишга ҳам қўймайди-я.

Йигитлар поезддан тушишди, ғала-ғовур бошланди. Мазифа эса ҳамон югурияпти. Рў-



моли бўйнига сирпалиб тушди, сочлари тўзгиди, лекин у эътибор қилмай югурыпти.

— Ҳой ука, Деҳқон акаинг кўрмадингми?

— Нарн туринг.

— Ҳой Расул, Деҳқон акаинг сизлар билан келмадингми?

— Ойп, ойпжон!

— Ҳой Фозил, Деҳқон акаинг қани?

— Дада, дадажон!

— Деҳқон! Йўқ! Йўқ! Йўқ! Нега улар Деҳқонин олиб келишмади? Наҳотки одамлар шуичалик багритош бўлиб кетишган... Ахир у, бу гал албатта, келиши керак эди-ку. Деҳқон! Қани у?

Поезд қўзгалди. Одамлар орқаларига қайтишди. Станцияда эса йўл қоровули билан Мазифагинна қолди. Ёилдиракларининг «тақир-туқир», поезднинг «хуутт!» овози ҳам сўндиди. Ҳаммаёқни сукунат қопладди.

— Ҳой, нега мунгайиб қолдинг?— тўнғиллади йўл қоровули.

— Амакн, яна поезд келадимми?

— Эрталабга яқин юк поезди келади.

Мазифаниннг елкасига инмадир тегди ва беихтиёр орқасига ўгирилишга мажбур қилди.

— Дугонажон, саломатмисан? Кўришмаганимизга ҳам кўп бўлди-а.

— Кечирасиз, мен сизни танимадим.

— Мазифа, наҳотки танимаётган бўлсанг,— мовий кўзли, сариқ аёл Мазифани бағрига босди,— эсингдами, урушдан олдин колхознингизга ҳамшира бўлиб борувдим.

— Ҳалима!

— Ҳа, ўшанда сен Деҳқонга турмушга чиқмоқчи бўлиб юрувдинг. Қалай, Деҳқон саломатми? Катта ишда ишлаётгандир-а?

— Болаларнинг ҳам кўпайиб қолгандир-а?

— Хи... хи.. хи...

— Поезддан тушдингми? Қимни кутяп-сап? Мен ҳам Тошкентдан қайтдим. Уйимиз ҳув ана у қишлоқда. Иккита ўғлим бор. Эрим шофер. Юр, уйга олиб кетай, меҳмон бўлиб қайтасан.

— Раҳмат, уйдагилар кутиб қолишадн. Мен ҳам шаҳардан қайтяпман... Ҳа... шаҳар-дан...

— Майли, бўлмаса, эринг, болаларингнн бошлаб бизникига кел, хўнми? Деҳқонга салом айт! Ҳали ҳам эринг хушчақчақлигини ташламаганми?

— Ҳа... ҳа...

— Хайр, албатта келинглар, хўнми?

Мазифа кескин орқасига ўгирилди-да, йўлга тушди. У нала-партини қадам босар, орқасига, узоқ ўтмишдаги дугонасига қарамасликка ҳаракат қилар эди. У тун ярмида уйига қайтди. Шу тун ўша келин уйида чироқ ўчмади...

Келгуси йили, худди шу пайт йиғитлар яна ҳарбийдан қайтишади. Мазифа яна Деҳқонни кутиб олшига чиқади...

О, ўша кун тезроқ яқинлаша қолсайди...

## БУЛУТЛАР ФАСЛИ

Йўлдошнинг кўзлари катта очилди, эринмай атрофга аланглади. Кўчада ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, ўрнидан турди. Қўрқув ва таҳликадан қалт-қалт титраётган қўллари чўнтагидан илга боғланган жўхори донини қидириб топди. Иппи маҳкам сиқиб, жўхори донини ичкарига, катакка отди-да, де-

вор туйнугидан кузатди. Катакдан бошини чықариб турган кулранг товук буйинни чўзиб доини чўқиди.

— Ол, ола қол, ахир дон сенга аталган,— ёлворди Йўлдош бечора бир қиёфага кириб.— Мунча чиройли бўлмасанг. Қанча товукларни ов қилиб, сендақа хушбичимни кўрмагандим. Ол, бунақа сархил доини тополмайсан.

Товук бошини чап томонга эгиб, доини қидирди ва қайта чўқиди-да, буйинни силкита-силкита ютиб юборди. Йўлдошнинг юз-кўзларига табассум югурди, инни тортди.

«Аканг буйинига қоқиндиқ,— кўнглидан ўтказди кейин Йўлдош инни тортиб.— Қочган ҳам худо деб қочади, қувган ҳам худо деб қувади».

Товук ўз ихтиёриенз девор томон яқинлашди. Йўлдош кўндан бери ўлжа пойлаб ётган қоплондай сапчиб туриб, қоринни деворга тираб эгилар экан, товукни кўтариб олди. Қирқямоқ камзули остига тикди ва тумшуғини сиқди. Сўнг ҳеч нарса кўрмаган, билмаган одамдай ён-берига назар ташлади. Юрди. Муюлишга етгач, югурди. Югурар, оёқлари ерга тегиб-тегмай борарди. У ўзини эшикка урди, эшик қарсиллаб деворга урилди-да, қийшайиб қолди. Йўлдош қаҳр билан эшикни ёпиб суялди.

«Худога шукур,— деган хаёл ярқ этиб миясига урилди.— Бу гал ҳам қўлга тушмадим».

У эшикни занжирлашга шайланганди:

— Қаёққа қочди?— деган ҳайқириқлар янгради ташқарида.— Уйимизга яна сеҳрли тулки тушди. Кулранг товугимизни кўтариб кетди. Болаларимнинг ризқини қийди.

«Худо урди,— хаёлидан кечирди Йўлдош.— Энди тутиб олишадн. Вой бошим... Оёқларим бўшашиб кетди...»

У занжирни туширди, ёнига ўгирилиб ошхона томон юрди. Товуқнинг тумшугини боғлаб ўчоққа тикди, оғзини ҳокандоз билан беркитди. Ранги мурданики каби оқариб ошхонадан чиқди, уйга, бемор онаси ёнига кирди.

— Нима шовқин? Уруш тугабдими?— бўғилиб сўради бир йилдан бери тўшакка михланиб қолган бемор.— Одамлар жиппи-шиппи бўлиб қолншганми? Худонинг берган кунн шовқин кўтаришадн.

Қулоқларини динг қилиб ҳамон жим ўтирган Йўлдош қимтинди, юзини онасидан яширишга уринди.

— Шу... шу...— дея гулдиради у қисқа-қисқа йўталиб,— қишлоққа тулки оралабди...— пешонасини артиб аранг гапини давом қилди.— Одамларнинг товуқларини кўтариб кетаётганмиш. Ўша тулкини қувиб юришибди...

— Ер юсин ўша сеҳрли тулкиниям,— деди бемор қақраб кетган лабларини ялаб.— Ризқимизни қийибди-да. Бояқиш қўшниллар бизга товуқ бериб туришувди.

— Қаёққа қочди?— Бемор ганини тугатмасиданоқ ташқарида яна шовқин-сурон кўтарилди.

— Шу ерга келиб йўқолди-қолди. Худди болага ўхшайди. Камзули ҳам борми-ей...

Йўлдошнинг афти тиришди, бармоқларини қулоқларига суқиб, кўзларини юмди, шовқин-сурон тинди. Юраги тинчиди. Бармоқларини тортди, шовқин-сурон кучайди-ю, юрагини қайтадан зирқиратиб юборди.

— Эси пастлар!— қичқириб қолди Йўлдош кутилмаганда.— Нимага бўлар-бўлмасга бақирншаверади?!

— Сен нега қичқирасан, ўзингни бос,— юпатди она асабий бўлиб қолган ўглини.— Осонмас-да, уруш, нон тахчил. Кўз тикиб ўтиришган товуқларини тулки кўтариб кетса, бақирншади-да. Тулки кўтариб кетса, бизга берса...

«Бериб бўпти,— ўйлади Йўлдош тиржайиб.— Ўзларига қолса тирноқларини ҳам беришмайди. Ҳийла-найранг билан ўзим тутиб келянман. Шундай қилиб уларнинг кўзларини очини керак.— Йўлдош жиниб опасига қаради. Юраги увишди.— Ойпмга қийин бўлди. Товуқ овламасам ишнинг пачаваси чиқади. Энди улар ҳам тинч қўйишмайди. Ҳа. Лекин... лекин... сеҳрли тулки ҳам ашойи эмас, осонликча жон бермайди. Ҳа, бермайди, у ахмоқ эмас. Ахмоқ бўлиб ушлатса, сеҳрли тулки бўлармиди... О, ойим тузалиб кетса, худо ҳаққи, товуқ овламасдим. Ойим учун...»

Ташқари тинчиди. Шу билан кўпдан бери таҳлика ва изтироблар орасида сиқилаётган, эзилаётган Йўлдошнинг юраккинаси ҳам тинчиди, бўгинларининг чигили ҳам ёзилди. Бенихтиёр ёнбошлади. Қўлларини кўрпа остига суқиб, онасининг қоқсуяк оёқ-қўлларини уқалашга тутинди. Йўлдошнинг қўллари ўз-ўзидан бўшашди, боши эса шилқ этиб ёстиққа тушди, салдан кейин эса ухлаб қолди. Аста-секин дераза ойналари қорайди. Одамлар кундузги ғам-ташвишларидан қутилиб кулбаларига киришди. Олам сукутга толди.

Дераза ойналари оқарди. Одамлар яна кундузги ғам-ташвишларига фарқ бўлдилар.

Олам қайтадан потинчланди. Узоқларда халқ, Ватаи учун оғир жанг кетар, ўша ерларда Йўлдошнинг отаси қурол билан халқ, Ватанни ҳимоя қиларди.

— Йўлдош,— шивирлади туни билан безгак азобида тўлганиб чиққан бемор.— Болам бояқиш бир йилдан бери касалимни боқади. Она сути оғзидан аримай туриб, бошига рўзгор ташвиши тушди. Дадаси қачон қайтаркин? Хат ҳам ёзмай қўйди.

— Ойини... келяпти,— ғулдиради бир пайт Йўлдош ва чўчиб тушди, қовоқлари учиб, лаблари титраб кетди, унинг танаси бўшашиб борарди.

— Йўлдош! Йўлдош! Кўзингни оч!— бемор Йўлдошнинг елкасига туртди.— Тур. Алаҳлаяпсан. Ёмон туш кўрднинг чоғи. Туролганимда ўқитиб ташлардим...

Йўлдош сапчиб турди. Уйқу аралаш аτροφини кузатди ва онасига термилиб қолди. Шундан кейингина туш кўргани, тушида одамлар орқасидан қувиб юрганини эслади. Титраётган қўлларини бсихтиёр онасининг оёқларига чўзди. Қўллари ҳам қувватсиз бўлиб қолганди.

— Нега алаҳладинг? Ёмон туш кўрднингми?

— Туш... тушимда,— аранг тилини ўнглаб олди Йўлдош,— сеҳрли тулкани отиб ташлашди.

— Сеҳрли тулкани отишса сенга нима?

Йўлдош шиддат билан бошини кўтарди, пешопа териси ёзилиб, йиғилди. Лекин жавоб қилмади. Қилолмади...

— Кечаги товуқ шўрвангдан қолмаганимди?— эзилиб мурожаат қилди она ўғлига.

— Йўқ, тўнғиллади Йўлдош.—Қўшнилар-  
никига чиқмаи, товуқ беришар...

— Кечагина беришувди. Уят бўлади.  
Чиқма.

— Беришади, нега беришмас экап. Ўзин-  
гиз қисматли қўшни дейсиз-ку!— лоқайд жа-  
воб қилди Йўлдош.—Дадам қайтса қарзи-  
мизни узамиз.

У ташқарига, ҳовлига чиқди. Қўлларини  
белга тираганча бир нуқтага термиллиб узоқ  
турди. Кейин бирдан совуқ сескаиди-ю, эшик-  
ка яқинлашди. Занжирни тортиб кўрди, маҳ-  
камлигига ишонгач, ошхонага кирди. Товуқ-  
ни ўчоқдан олди. Сўйди, патини юлди, яхши  
тозалаб қозонга тикди. Ўчоққа олов ёқди.  
Товуқнинг патларини кўтариб ошхона қарши-  
сидаги чуқурга тушди. Бир йилдан бери қур-  
бон бўлган товуқларнинг оёқларини санашга  
тутинди. Бир... ўн... йигирма... У санокдан  
адашиб кетди. Асабий ҳолда патлар устига  
хашак тортиб тенага кўтарилди.

— Илоё ойм согайиб кетсин-да,— шивир-  
лади кейин у шўрва тузини татиб.— Ойимга  
безгак қаёқдан қам ёниша қолди. Эҳ, дадам  
тезроқ кела қолсайди...

«Қизиқ,— хаёлидан кечирди у.— Борди-ю,  
одамлар сеҳрли тулкини тутиб олишса, нима  
қилишаркин? Ҳар ҳолда бўғиб ё уриб ўлдири-  
шади. Уруш! Урушдан олдин одамлар тулки-  
ларга ҳам парво қилишмасди. Қизиқ, жўхори  
донлари қанча қолди экап?

У қирқямоқ камзули чўнтагига қўлларини  
суқиб, жиддий ва узоқ титкилади. Бир пайт  
бармоқларига уч дона жўхори дони илинди.

— Уч дона,— деди у донларни кафтига қў-  
йиб нштиёқ билан томоша қилар экап,— қши-

лоқда қолган-қутган товуқларни ҳам шу донлар билан етаклаб келасан. Лекин... шу одамларнинг пойлаётгани яхши бўлмапти-да. «Сеҳрли тулки» деган гап чиқаришди. Бу гапни ким чиқарсаям, кўп ақлли одам экан-да. Тавба, сеҳрли тулки кўтариб кетаётганимиш. Қосим аканинг ўгли Йўлдош кўтариб кетаётгани ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. «Сеҳрли тулки» болага ўхшармиш, икки оёқда юрармиш... Ахир Қосим аканинг ўгли Йўлдош ҳам икки оёқда юради-да...

«Одам ўғирликка ҳам ўрганаркан,— ўйлай бошлади у афсусланиб.— Биринчи марта товуқ ўғирлаганимда роса икки кун ухломмагандим. Кейин... кейин... ҳозир туя бўлса ҳам тинчитаман...»

— Нима қилай?!— деди у ўз-ўзидан нафратланиб.— Одамларга ўхшаб қариндошларимиз ҳам йўқ. Худо қариндошдан ҳам қисиб қўйган. Ойим тузалиб кетса, ўлай агар, ҳечам товуқ ўғирламасдим. Катта бўлсам кўн товуқ сотиб оламан-да, қўшниларга улашиб бераман... Бугун қаерга... раисникига...

У камзули қатидан игна олиб жўхори донларини тешишга киришди. Тешди, ипни ўтказди, сиқиб боғлади.

«Ўзингга ўхшаш товуқларнинг ҳам фирибгари кўп,— деган фикр ялт этиб миясига урилди,— ипни узиб, донни пўк-пўкасидан тушириб кетади. Биттаси эҳтиётдан чўнтакда тургани маъқул».

— Асолат хола! Қим бор? Нимага эшикни зашжирлаб қўйибсизлар?

— Наҳотки, кўришган бўлса,— гулдиради Йўлдош ва бир нафас жимиб қулоқ солди. Эшик қоқилаётганига ишонгач, оловни оёқла-



ри билан босиб ўчирди. Қозоннинг қопқоғини  
сиди-да, ташқарига чиқди. Эшикни очди.

— Куппа-кундузи нега эшикни занжирлаб  
ўтирибсизлар?— деди ичкарига кирган қора  
қошли жувон,— ойнинг тузукми?

— Сеҳрли тулки чиқибди,— Йўлдошнинг  
овози титраб кетди.— Қўрқиб, беркитиб ўти-  
рибмиз.

Жувон уй томон юрди, Йўлдош уни осто-  
нада кузатиб қолди.

— Асолат хола, тузукмисиз, безгак қўяй  
лейдими?— жувон бемор билан кўришди.—  
Озгина атала олиб чиқувдим. Сизга қийин  
бўлди, ўғлингиз ёш, қўлидан иш келмайд.

— Қўшинлар ора-чира товуқ бериб тури-  
шибди. Умрларидан барака топсин.— Бемор-  
нинг кўзлари жикқа ёшга тўлди. Қайси куни  
сиз ҳам товуқ бериб юборибсиз.

— Хи... хи...— жувон эсанкираб қолди ва  
узоқ гулдирашдан сўнг арабг тилини ўнглаб  
олди.— Мен... бошқа одам бергандир...

— Йўлдош, Анзират опам берди, деди,—  
бемор эшикка термиллиб ўғлини қидирди.—  
Йўлдош!

Ташқаридан жавоб бўлмади. Йўлдош ал-  
лақачонлар жуфтакни ростлаб қолганди.

— Ҳа, юқори маҳаллада ҳам Анзират бор,  
ўша бергандир,— тушунтирди беморга жувон.

— Тўғри айтасиз,— маъқуллади бемор.—  
Қаранг, сеҳрли тулки чиқибди.

— Бўйни сапчадай узилсин,— валдирай  
кетди жувон.— Сеҳрли тулки-да, қаранг, то-  
вуқларни кўтариб кетаверармиш. Товуқлар  
уни кўрса шайтонлаб қолармиш. Болаларга  
ўхшаб икки оёқлаб юрармиш. Гоҳо камзул  
ҳам кийиб кетармиш.

— Ё товба,— бемор ёқасини ушлади.— Шунақаси ҳам бўлар эканми? Кўп тулкилар ҳақида эшитгандим, лекин бунақа баттоли ҳақида эшитмагандим.

— Учта қўзидай товуқларимни кўтариб кетди,— гапини давом қилди жувон.

— Раҳмат,— деди бемор жувон кетишга шайланганда.— Қарзимизни узармиз.

«Товба, қайси Анзират Йўлдошга товуқ берган экан?» — жувон йўл-йўлакай ўйлаб борди, лекин аниқ бир фикрга келолмади.

Йўлдош эшикни занжирлади. Учоққа қайтадан олов ёқди. Шўрвани пишириб товоққа солди-да, онаси ёнига кирди.

— Йўлдош,— бемор ўғлига термулди.— Сенга қайси Анзират онанг товуқ берганди?

— Анзират опамларнинг ҳаммаси ҳам беришяпти,— бошшини кўтармай тўнгиллади Йўлдош.— Ҳозир келгани учта товуқ берганди.

87

— Товуқларимни сеҳрли тулки кўтариб кетди деди-ку!

— Қайнотасидан яшириб бергандир-да,— мингиллади Йўлдош.

— Тўғри айтасан, қайнотаси заҳар, хасис одам,— бемор ўғлининг гапини маъқуллади,— яшириб бергандир. Ке, мана бу аталани ич. Кейин кўйлагимни чайиб қўй. Ҳидланиб кетибди.

— Хўп,— деди Йўлдош товоқни лабига яқинлаштириб. Ичди. Товоқни маза қилиб ялади. Сўнг роҳатланиб кекирди, қўлларини ёзиб керишди-да, кўйлакни кўтариб ташқарига чиқди. Тогорага солди, кўйлакни юва туриб, ўзи тўқиб олган қўшиқни хиргойи қила бошлади:

У ҳар гал товуқ овига чиқишдан олдин, қайтганидан кейин, ҳуллас ови ўнгидан келган кезлар мириқиб хиргойи қиларди. Бироқ, бу гал қўшиқ ниҳоясига етмай эшик тақирлаб қолди.

— Товба, бу одамларнинг уйларига ўт тушганми?— Йўлдош афтини тириштириб эшикка қарарди.— Бегона эшикни тақирлатиб келишаверади. Нима, бизникида пишириб қўйганми?! Қим?

— Эшикни оч,— ташқаридан аёл кишининг овози эшитилди. У эшикни очар экан, эллик ёшлардаги сариқ аёлга дуч келди.— Товуқларнинг борми? Сеҳрли тулки келянтими?

— Бориди, еб бўлди, бари бир сеҳрли тулкидан қўрқаямиз...

— Жувонмарг бўлсин,— дея аёл ичкарига, беморнинг ёнига кирди,— Асолат опа тузукмисиз? Шу денг, сеҳрли тулки оралаб қолди. Уйдан қўзғолмайман. Бўрсикдай иккита товуғимни кўтариб кетди. Биттагина жўжам қолди. Гумдон қилмасин, деб жоним ҳалак. Яна битта товуқ сотиб олдим.

«Тилингга шакар,— хаёлидан ўтказди Йўлдош.— Бугуноқ ўша товуғингизни сеҳрли тулки кўтариб кетади. Қетмаса отини бошқа қўйинг. Яхши одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Ўзи келиб хабар бериб кетади. Жўжангиз майли, ўзингизга қолсин».

— Қорасоч, бола-чақангизнинг роҳатини кўринг, қайси кун Йўлдошдан товуқ бериб юборибсиз,— деди бемор.

— А? Ҳа...— аёл гангиб қолди. Миясига дарҳол: «Қайси Йўлдошга, қачон товуқ бер-

ган экаиман?», деган фикр урилди-ю, хайрон, эслашга уридни. Лекин кимга, қачон товуқ берганини эслолмади.

— Икки кун шўрвасини ичдим,— аёлнинг фикрини бўлди бемор.— Роса терладим.

— Ҳа, ҳа,— деди гангиб қолган сариқ аёл.— Озгина талқон олиб келгандим.

— Раҳмат,— бемор миннатдорчилик билдириб бош силкиди.

— Худо шифо берсин,— сариқ аёл хайрлашиб ташқарига чиқди, анча жойгача мингирлаб борди.— Наҳотки товуқларимни Йўлдош ўғирлаган бўлса? Йўғ-э, у оғзинг қани деса, қулогини кўрсатадиган бола. Кўчага чиққанини ҳам кўрмаганман. «Оғзинг қани деса, қулогини кўрсатармиш,— кўнглидан ўтказди, аёлнинг ортидан қараб қолган Йўлдош.— Кўчага чиқмасмиш. Ҳой, сариқ, сап-сариқ холагинам-эй! Уша товуқларингиз ўз оёқлари билан бир жўхори дони учун мана шу уйга келишган. Жўхори донини сийшмоқчи эдилар. Жўхори донини уларни сиб қўйди. Их-ха-ха! Вой сариқ, сап-сариқ холагинам-эй!»

Йўлдош қўшини болалар билан ўйнаш баҳонасида кўчага чиқди. Катта йўл ўртасида бир оз гангиб турди-да, сўнг кун чиқиш томонга бурилди. Қишлоқнинг кўча, уй, муюлиш, девор, ариқларигача Йўлдошга беш бармоқдай ёд бўлиб кетганди. Уруш, отасининг ҳарбийга кетиши, онасининг безгак билан оғриб ётиши ва ниҳоят ўз қорни, товуқ ови, қишлоқни синчиклаб ўрганишга мажбур қилганди. Деворлар, тўпкалар, дарахт шохлари унинг оёқ-қўллари, қорнида сапоқсиз чандиқлар қолдирган, баъзи яралари битган, баъзи

лари эса битмаган, лекни у бунга кўндап бери эътибор бермай қўйганди. Қарашга вақти йўқ эди. Чунки онасини боқиши, ўз қоринини тўйғазиши зарур эди. Қолганлари билан қизиқмасди. У товук овлаши, онасини боқиши, дардга дармон бўлиши керак эди. Бунн у бир калава ип-у, бир неча дона жўхори дони билан бажарарди. У товукларни баъзан кўтариб, баъзан етаклаб келар, етаклаб келиш унга алоҳида роҳат бағишлар, беҳад лаззатлар эди, бу усулни урушдан олдин кабутар тутнишга ишлатганди, урушдан кейин эса товукларни тутнишга қўл келди. Уруш! Ҳаммасига уруш сабабчи бўлаётганди... Ниҳоят, Йўлдош нураган пахса девор қаршинига келиб тўхтади. Иштиёқ билан ичкарига назар ташлади. Баҳорда экилган жўхори поялари ҳамон ўрилмай ётган бу ер сариқ аёлининг ҳовлиси эди. Жувоннинг ўзи айтмоқчи, сотиб олган товугига яна сеҳрли тулки келганди. Бир ой муқаддам Йўлдош худди шу ҳовлидан уч товукни кўтариб кетганди.

У олазарак кўча, ҳовлини эринмай кузатди. Кўзига ҳеч ким чалинмагач, девордан ошиб тушди. Таниш бўлиб қолган ёнғоқ тўнкаси ортига яширинди. Титраётган қўлларини бир-бирига сиқиб, товукни қидира бошлади.

— Жамила,— Анзират ошхонадан овоз берди.— Товуққа қараб турибсанми?

— Танчага қамаб қўйдим,— уйдан қизчанинг овози эшитилди.— Нима, сеҳрли тулки келдим?

«Танчага қамаб қўйдим,— кўнглида такрорлади Йўлдош,— мунча товукни арзанда қилмасаларинг. Одатда товукни танчага эмас, катакка қамаб қўйишар эди. Оббо, қора қош-

ли холагинам-эй! Салгина кўнглингизни кенг қилинг. Товуқни бўшатинг. Сехрли тулки ҳам худо деб келган...»

Узоқ кутиш, узоқ титраш, чекилган изтироб самара бермади. Товуқ ҳам танчадан бўшатилмади. Йўлдошнинг ҳафсаласи пир бўлиб, орқасига қайтди. Колхоз идорасига етганда бир тўда чолларга дуч келди. Улар ўроқ, кетмон, теша ушлашиб, бир-бирларига ниманидир маъқуллашарди.

«Мени пойлашаётганга ўхшайди,— деган фикр урилди Йўлдошнинг миёсига.— Милтиқларни ҳам борми дейман. Пақ-пуқ! Отиб қолншса-я».

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсан?— деди чўққи соқолли бир чол бепарво ўтиб кетаётган Йўлдошга.

— Ойим...— Йўлдошнинг танаси жимирлаб кетди ва бирдан титраётганини ҳис қилди.— Аммам келмоқчи эди, кутаётувдим.

— Менга қара, Қосимни ўғлисан-а? Амманг йўғиди-ку. Бошқа қишлоққа тушганимди?

— Ҳа,— деди Йўлдош қадамини тезлатиб.

«Худога шукур,— ўйлади Йўлдош қутилиб олгач.— Амма.. Қанақа амма? Аммам йўқ, бўлмаган, бўлмайди ҳам. Бўлса уйимизни билмас эканми? Вой одамларнинг соддалиги-эй!».

У катта йўлни ортда қолдириб, мазор ёнидаги тор йўлакка чиқиб олди. Юз қадамча нарида колхоз раисининг уйи бўлиб, Йўлдош бу хонадонга ҳам бир неча бор қадам ранжида қилган, қуруқ қайтмаганди. Фақат кейинги пайтларда омбор қоровули — чўлоқ одам унга халақит қилаётганди. Оламни тун пардаси

ўраб келар, деворларгина хира кўзга чалинар-ди. Йўлдош ариқ четидаги тол шохига осилди, оёқларини деворга тираб, ҳовлига тушди.

«Қу-қувв!»

— Овозингдан ўргилай!— деб юборди у товуқ овозини эшитиб ва дарҳол оғзини чап-галлади. Шу орада айвонда наст бўйли аёл ва чўлоқ одам кўрипти.

— Сеҳрли тулки келди,— бўғилди аёл.— Товуқлар безовта бўлиб қолди.

— Мана, энди пах тумшугидан отаман,— чўлоқ одам милтиқни ўнглаб ҳовлига тушди.

«Сеҳрли тулкининг тумшуги йўқ-ку!— кўнг-лидан кечирди Йўлдош тиржайиб.— Отсангиз буридан отасиз-да».

Йўлдош туриб, қочишга шайланди. Лекин чўлоқ одам отиб ташлаш мумкинлигини ўй-лаб, фикридан қайтди. «Мана ҳозир отади. Худо юзини тескари қилсин илоҳ. Вой, иштонимга бир нарса ўтиб кетди...»

— Ҳурият, сеҳрли тулки йўқ-ку!— Чўлоқ одам орқасига ўгирилди.

— Жуфтакни ростлаб қолди-да, сизни ку-тиб ўтирадим,— зарда қилди аёл. Йўлдош бутун кучини оёқларига жамлаб сакради, де-ворга осилди ва тол шохини ушлаб, кўчага ошди. Оша туриб елкаси билан ерга санчилиб қолди. Вужудни пичоқ қирққандай ачишди, ач-чиқ, тахир оғриқ қўзғалди. Лекин бунга эъти-бор бермади. Югурди, мазор ёнидан ўтаётиб, бепахтиёр тўхтади. Бир тўда одамлар йигили-шиб, тинмай сўқинишарди.

— Ўзим кўрдим, бирам чиройли тулки-ки, отолмадим, қочиб қолди,— тушунтирарди ўр-тада турган чўлоқ одам.— Мана, шу ёққа қочди.

— Ҳой, кимсан, бемаҳалда нима қилиб юрибсан?— йўғон, дўрплаган овоз эшитилди.

— Холаминикига боргандим, кечикиб қолдим,— жавоб қилди Йўлдош секин.

— Тулки-пулки кўрмадингми?— сўради чўлоқ одам.

— Сеҳрли тулки бўлса керак,— титрай бошладн Йўлдош.— Мозорининг ичига кириб кетди.

— Ана, айтмадимми?— чўлоқ одам чолларин бошлаб мазор томонга ўтди.

— Тентак,— деди Йўлдош сим-сим огриётган елкасини уқалаб.— Мендан баттар ёлғончи экансан. Лекин штоним...

Йўлдош уйга кирди, эшикни запжирладн. «Кўчани одамлар босиб кетди,— алам билан ўйлади кейин у.— Энди мени тинч қўйишмайди. Ҳой «тулкижон», энди уйдан чиқа кўрма Тернингга сомон тикнади».

Узоқдан ҳайқириқлар эшитилар, Йўлдош эса қотиб турар, кўзлари олдида бемор ораси, ҳарбийдаги отаси ўтар, кўкенини ҳўл қиларди. Кўчага чиқолмаслиги, унинг учун йўллар беркилгани, ўзи, ундаи ҳам кўра опасига қийин бўлишини энди у англаб турарди. Бундан буён «товуқлар бор, товуқлар, шодман, шодлигим чексиз...» қўшиғини ҳам хиргойи қилолмасди. Товуқ ови, сеҳрли тулки қўшиқ учун хазон фасли бошланганди...

У узоқ пиқирлашдан сўнг эзиб огриётган қоринини чангаллаб, ошхонага ўтди. Бўш қозонини очиб кўрди. Бўгиллиб, асабийлашиб, қопқоқни улоқтирди. Қопқоқ иккига бўлинди. Унинг ичаклари чулдирар, боши айланиб, кўзлари тинар эди. Кутилмаганда икки марта қаттиқ ўқчиди. Учинчи бор ўқчиганда эса



ичидан аччиқ бир нарса отилиб чиқди, кўнглини оздирди. Танаси жунжикиб, кўзларига иссиқ ёш қалқиди. Кўнгли озгандан озарди. Вужуди ҳам совуқдан титрай бошлаганди. У зўрға уйга кирди, онаси ёнига ёнбошлади. Қўллари беихтиёр онасининг оёқларига чўзилди, лекин уқалашга бу гал мадори етмади.

— Йўлдошжон,— деди бемор дадиллашиб.— Бугун тузукман,— у ўғлининг пешонасини ушлади ва кўзлари олайиб кетди.— Вой ўлмасам, нима бўлди? Пешонанг олов-оташ бўлиб ёняпти.

Йўлдош жавоб қилмади. Қилолмади. Илк бор у онасининг гапини жавобсиз қолдирди. Она ҳам ҳиқирлаб, биринчи марта ташқарига чиқди, чой дамлаб ўғлига тутди. Бари бир Йўлдош чой ичолмади. Огир-огир нафас олиб, охири ухлаб қолди. У қаттиқ ҳуррак отар, юзи, қошлари титраб, баъзан чўчиб уйғонар, атрофга оч назар ташлаб «келаяпти, келаяпти», дея пичирларди. Бир кун у туш кўрди. Тушида бир тўда одамлар кетмон, теша, ўроқ кўтариб, уни қувиб юришарди. Йўлдош ошхона қаршисидаги чуқурга тушиб борарди... Пастда, чуқурда эса сон-саноқсиз товуқлар унга ҳамла қилишарди...

— Ойи!— уйқусида бақирди Йўлдош.— Кўзларимни чўқиб олишяпти.

— Ҳой, кўзингни оч,— она эсанкираб ўғлини силкиди.— Алаҳлаяпсан.

Қосимнинг ўғли Йўлдош безгак оташида қовурилаётганди...

— Сув...— она ўғлининг бошини кафтига олиб кўтарар экан, чой тутди. Йўлдош тамшанди. Сал ўтмай кўзлари уйқуга кетди-ю, туш кўра бошлади. Тушида кетмон, теша,

ўроқ кўтарган одамлар энди опаснга ёниши-  
шар: «Йўлдошни олиб чиқиб бер», дейишар-  
ди. Йўлдош чинқириб юборди.

— Нима, болажоним...

— Ойи, қочинг!— Йўлдош жонҳолатда қу-  
лоқларини беркитди.

— Нима қилаяпти?— ҳўнграб юборди она.

— Сизни ўлдиргани келишяпти,— Йўлдош  
кўзларини очди.

— Мени?.. Болагинам, алақлаяпсан.

Одамлар бостиргандан бостириб келар, уй  
ичи кетмон, теша ва ўроқ, юз, олайган кўз-  
ларга тўлиб кетганди. «Сеҳрли тулки — се-  
нинг ўглинг экан! Товуқларни тулки эмас, се-  
нинг ўглинг гумдон қилаётган экан. Уни ўғир-  
ликка сен ўргатгансан! Ўғлингнинг ўрнига се-  
ни калтаклаймиз». Йўлдошнинг назарида  
онасини ҳамон одамлар таъқиб этарди.

— Ойимда гуноҳ йўқ, ҳаммасига ўзим айб-  
дорман!— фарёд аралаш шивирлади Йўл-  
дош.— Шундай қилмасам... ойим...

— Йўлдош! Йўлдош!

Сукут... сукунат... Йўлдошнинг кўзлари  
олайди, атрофни кузатди. Воқеа тушида ё  
ўнгида юз бераётганмиди — у бунини фарқ қи-  
лолмади, фарқ қилиш туйғуси сўнаётганди.  
Иссиғи ортгандан ортар, безгаги кучайгандан  
кучаярди. Киприклари ширачдай бир-бирига  
ёпишар, қўрғошиндай оғирлашиб қолган қо-  
воқлари кўзларини сиқаётганди, «Қағғғ...  
қағғғ...!» Атрофни, оламни, осмонни товуқлар,  
фақат товуқлар овози босиб борарди. Ўша то-  
вуқлар тинмай Йўлдошнинг кўзларини чў-  
қирди. Қон-қора қўй кўзларини!.. Товуқлар-  
нинг бошлари, оёқлари йўқ эди. Таналаридан  
қон, қип-қизил қон оқарди...

Сукут... сукунат... «Ойи,— Йўлдошнинг миясигина фаолиятини йўқотмаганди.— Товуқларни ҳайданг! Товуқ... ҳай... кўзларимни чўқиб олишди...».

— Ҳеч парса йўқ-ку!— Онагина сукут, сукунатни бузиб турарди. Йўлдошнинг миясида одамлар ғимирлашар, кетмош, теша, ўроқ билан қиймалашарди.

Қуёш чиқди. Қуёш нурлари Йўлдошни оғир, оғир жимликка гарқ қилди. Сукут... сукунат... Сукут, сукунат Йўлдошнинг танасидан миясига кўча бошлаганди.

Ўғли тепасида узоқ сукут сақлаб ўтирган она кўчага чиқди. Қўшни кампирни бошлаб кирди. Кампир беморнинг томирини кўрди. Сукут сақлаб қолди. Сукут... сукунат...

— Мендан юқди, болам пақир мендан қолган шўрвани ҳам ичарди,— деди она, кампирдан ўғлининг безгакка учраганини эшитгач.— Мени тузатиб, ўзи...

— Товуқ шўрва қилиб бер,— уқтирди кампир қайтаётиб.— Зора бери қараб қолса...

Она уйма-уй югурди. Товуқ топиб келди, ўғлига шўрва пишириб берди. Лекин у... мутлақо жимиб қолган, одамлар, товуқлар миясини ғажиб бўлишганди. Навбат сукут, сукунатга етганди.

Эшик қоқилди. Қишлоқ Советининг котиби, ёшгина йигит Қосим аканинг ҳарбийдан қайтаётгани ҳақида хабар келтирганди.

Ҳовлига бирин-кетин аёллар кириб келишди. Беморлар хонадонини йиғиштиришга тутинишди.

— Вой ўлмасам, буёққа келинглари!— хитоб қилди қора қошли жувон ошхона қарши-

сидаги чуқурни супура туриб.— Мана, йўқолган товуқлар!

Чуқур атрофига йиғилган аёллар ҳайрат ва таажжуб билан ёқаларини ушлашди. Чуқур товуқ пати, бош ва оёқлари билан тўлганди...

— Сеҳрли тулки товуқларни шу ерга кўтариб келиб, ер эканда,— оғир хўрсинди сариқ аёл.— Бечора товуқларим...

— Ергина юткур тулки,— қора қошли жувоннинг кўзлари ёшланиб кетди.— Учта товугимни шу ерда гумдон қилган экан.

— Болам! Болажоним!— Ичкаридаи фарёд кўтарилди. Аёллар саросимада аниқ-тапиқ уйга югуришди, остонага етганда эса қотиб қолишди. Кампир Йўлдошнинг кийимларини ечар, онаси сочларини юлиб, юзини тирнаб йиғларди. Ерда эса уч дона илга боғланган жўхори дони сочилиб ётарди. Йўлдошнинг иштони қон эди...

— Асолат хола! Суюнчи беринг! Қосим акам келди! Суюнчи... Суюнчи...

Бир тўда ялангоёқ, ялангбош болалар қичқириб ҳовлига киришди.

## СЕҲРЛИ КЎЗЛАР

— Умар! Милтигингни олиб чиқ! Йўлбарс келяпти!— кўча томондан болаларнинг ҳайқириклари янгради-ю, Умарнинг қулоқлари, миёсида узоқ вақт жаранглаб турди. Юраги зириллаб кетди. Қўйларни қўрага қамаётган ўн икки ёшли Умар кўнглида: «Милтигингни олиб чиқ! Йўлбарс келяпти!» дея такрорлар экан, қалт-қалт титраб кетди. У тишларини гичирлатиб, ғазаб билан қўра эшигини теп-

ди-да, қаҳрланиб слякаси оша кўча томон пазар ташлади. «Милтиғимни олиб чиқаман», ўйлади кейин у. Шу пайт кўзлари олдига калласи катта, оёқлари йўғон, қора тумшуқли сариқ ит келиб туриб қолди. Умарнинг пешонаси тиришиб, кўзлари катта очилди, вужудига совуқ тер қалқиди.

— Йўлбарс,— деди у ниҳоят бўғилиб.— Ҳозир жазойингни бераман. Оёғимни чўлоқ қилиб қочиб кетгандинг. Келибсан. Пешонангдан отиб ташлайман.

Умар оёғи остида ўралишаётган қора қўйни муштлаб, қўрага киргазди-да, эшигини ёпар экан, шиддат билан орқасига ўгирилди. Тор ҳовлини тезлик билан босиб ўтиб, кун чиқиш томондаги омборхонага бурилди. Югуриб ичкарига кирди. Хона ўртасидаги тўнкалар устидан хатлаб ўтди-да, тўхтади ва бир нафас атрофни кузатди. Бирдан миҳда осиглиқ турган милтиққа чанг солди. Юлқиниб олди. Очди. Ўқлади.

«Мана, энди сени отиб ташлайман,— кўнглидан ўтказди у ғазаб ва нафратдан бўғилиб.— Сен мени чўлоқ қилиб қўйдинг. Югуролмайман. Оёғим томир тортишиб қолади».

Умар милтиғини чангаллаганча ташқарига отилди ва худди шундай тезлик билан кўчага чиқди. У асабийлашганидан оқсоқлиги ҳам унча сезилмасди.

— Умар! Чиқдингми?— итни калтаклашаётган болалар тош, таёқларини ташлашиб, Умарнинг атрофини ўраб олишди.— Умар! Тезроқ бўл, от! Кетиб қолади.

Умар болаларга диққат қилмади. Рақиб — итга қараб қолди. Кўча ўртасида катта

сарик ит — Йўлбарс гапдираклаб турар, оғзидаи қизғиш сўлак оқарди...

«Болалар роса калтаклашибди,— деган ўй урилди Умарнинг бошига.— Энди мен пешонасидан отиб ташлайман».

Ит ўлар ҳолига тушганди. Умарни кўриши билан дадиллашди, олдинга силжиди. Умар бўғилар, сўкипар, гоҳ милтиқ тепкисини кўтарар, гоҳ қўндоқни сиқар, итнинг кўзлари эса юпинч излаб термилар, Умар бошини силашни, эркалатишини истарди. Ахир Умар илгари шундай қиларди-ку!

— Умар! От!— ўзига-ўзи мурожаат қилди у.

— Умар! Нимага жимиб қолдинг?— Шермат исмли узун юзли бола Умарнинг елкасидан сиқди.— От. Ахир бир йилдан бери уни кутаётувдинг-ку!

«Отаман,—ўйлади Умар.— Ҳозир отаман! Милтиқни тўғрилаб олай».

— Тишлаб қочиб кетгандинг,— шивирлади Умар бир пайт ва чап қўлини милтиққа чўзди, ўнг қўли эса тепкига яқинлашди. Ит ҳадиксираб орқага тисарилди. Лекин қочмади. Чўлтоқ думини оёқлари орасига суқиб, Умарга қараб тураверди. Умар ўнг иягини милтиқ қўндоғига босди-да, чап кўзини юмди. Ўнг кўзи эса нишонни қидирди ва топди. Нишонни итнинг пешонасига тўғрилади. Тўғрилади-ю, кўзи тиниб кетди, оғзи қақраб, қўллари титрай бошлади... Нишонни йўқотиб қўйди...

— Умар! Нега қараб турибсан?— Шерматнинг ёқимсиз овози янгради.

— Милтиқ отишни билмасанг, менга бер!— Вали исмли чўтир бола олдинга чиқиб,

Умарнинг қўлига ёпишди.— Қўрқоқ! Милтиқ тепкисини кўтар-да.

— Тепкига тегма,— дедн Умар ва Валини туртиб юборди.— Ўзим... Ўз қўлим билан отаман.

— Милтиғингни йиғиштир,— бўқирди Анвар исмли қора бола.— Қани, болалар, ўзимиз уриб ўлдирамиз.

— Урма! Урмаларнинг!— ўшқирди Умар изтиробдан титраб.— Қочларппг, бўлмаса ўзларингни... Ўзимдан бошқа одамнинг отишга ҳаққи йўқ.

Болалар апил-тапил ўзларини четга тортишди. Қўча жимиб, ит билан Умар танҳо қолди. Ит муддаосига етиб қарнган, қаровсиз бўлгани сабабли озиб ҳам кетган, боз устига болалар калтаклаб, ўлар аҳволга солиб қўйишганди.

Қўзлар ҳамон бир-бирларига қараб турардилар. Итнинг катта очилган кўзларида энди изтироб ва таҳлика, ёлвориш ва ҳасрат, ўкинч ва юпинч каби туйғулар акс этарди. Ит кўзлари ҳаддан зиёд меҳрибон эди...

— От! От!— ҳайқириқлар Умарнинг қулоқларини қоматга келтирди, кўнглини эзди. Қўзлари тиниб, боши айлана бошлади.

— Ҳозир, мана ҳозир, отаман,— ғулдиради Умар милтиқни кўтариб, қўндоғини ўнг елкасига босар экан. Ксйин кўзларини юмиб, кўрсаткич бармоғи билан тепкини қидирди. Топди. Топди-ю, дарҳол бармоғини тортиб олди. Умар терлаб кетди. Юраги кўксидан чиқиб кетгудай урар, тўрга тушган қушдай типирчиларди. Жимлик... Умар жимиб қолди. Юраги қийналарди. «Гуп-гуп!» Вужудида эса турли туйғулар ғалаён қиларди. Туйғулар-

нинг бири — инсоннинг тилсиз жониворга бўлган инсоний ачиниш туйғуси, иккинчиси эса қачонлардир оёғини майиб қилган итдан ўч олиш ҳисси эди. Бундан ҳам кўра у, шу кез болалар ёнида бўлганидан нафратланаётганди. Болалар гоҳ итга, гоҳ Умарга қарар, милтиқнинг отилиши, «пақ-пуқ!» овоз янграши-ю, итнинг ерга йиқилишини кутишарди. Бир... икки... уч... ўн...

Умарнинг қовоқлари йиғилди. Итнинг кўзлари ўртасини нишонга олди. Нишонга олган кези яна юраги типирчилаётган бошлади. Кейин нишонни йўқотиб қўйди. «Гуп-гуп!» Юрак! Оғзи аччиқ ва тахир сўлакка тўлиб кетди. У тепкига зўрға бармогини яқинлаштириб, итнинг кўзларини кузатди. Итнинг кўзларида энди чорасизлик, тақдирга тан бериш олдидаги ожизлик каби аломатлар акс эта бошлаганди. Умарнинг қалбини раҳмдиллик туйғуси қамраб олди. Кўзлар бир-бирига термилиб турарди. Кўзлар! Ит ва инсон кўзлари! Итнинг кўзлари: «О, инсон! Сенинг қўлларингда қурол бор. Мени отиб ташлашинг мумкин. Лекин менда на қурол, на тишлаш учун тиш бор. Тишларим ҳам тўкилиб бўлди. Шундай экан, нима ҳам қила олардим! Шафқат қилсанг отмайсан, қилмасанг отасан!», дерди. Инсон кўзлари эса: «О, дўстим! Узоқ вақтдан кейин дийдор кўришдик. Мен сени ростдан ҳам яхши кўрар эканман. Тишлаб, чўлоқ қилиб кетдинг. «Отаман», деб ўйловдим. Учратдим. Энди нима қилишимни билолмай қолдим!», дерди.

Умарнинг кўзлари ихтиёрсиз юмилди. Очганда эса даҳшатли манзарани кўрди — итнинг кўзлари ёшланганди. Умар сесканиб кет-



ди ва шошилинч қўлини тепкидан тортиб олди. Ер билан осмон гўё чирпирак бўлиб айланарди...

— Умар!

«Шошма, Шермат,— хаёлидан ўтказди Умар.— Ҳозир отаман. Қўрқма, бари бир отаман. Мана, мана, бир... нкки... уч... Шермат тушун, ахир...»

— Умар!— бу овозни у таний олмади.

— Ҳозир, ҳозир,— тўнгиллади Умар ва юраги қайтадан орзиқиб бораётганини ҳис қилди. У ўз-ўзидан, болалардан, ҳатто итдан ҳам, кўзларига илинаётган, тушунчасида жонланаётган фикрларидан ҳам нафратланиб кетди. У илк бор мана шундай аҳволга тушаётганди. Умар назарида итни отиб кўрди. Итнинг пешонаси ўйилиб, ерга йиқилди, кўзлари юмилди, юмиқ кўзларидан қон оқа бошлади. Қип-қизил қон! Дўсти қони...

— Йўқ! Йўқ!— Қичқириб юборди Умар ва ўз овозидан ўзи чўчиб тушиб, дарҳол атрофга аланглади. Ит унга термилиб турарди,— ҳай-рийат, отмадим...

«Бари бир отишим керак,— ўйлади Умар кейин.— Қанча оқсоқланиб юрдим. Болалар «Умар чўлоқ», деб мазах қилпшди. Ҳаммасига Йўлбарс, сен сабаб бўлдинг. Сени отаман, деб милтиқ олдирдим-да, ахир».

— Умар!

— ...

Умар итнинг кўзларига термилиб туриб, кутилмаганда онасини эслаб қолди. Умар яхши эсларди...

Умар аввал мактабга биринчи марта қатнай бошлаган даврини кўз олдига келтирди. Кейин хотирасида колхоз марказидаги мак-

таб биноси, мактаб биноси қаршисидаги тупроқ томли омборхона жонланди. Умар эрта-лаб шу омборхона олдидаги йўлдан ўтар, шу йўлдан уйига қайтарди. Омборга пахмоқ соқолли Муса чол қоровуллик қилар, чолнинг Йўлбарс исмли ити бўларди. Ит эрта-кеч омборхона олдида чўзилиб ётар, Умар мактабга кетаётиб уни нон билан меҳмон қиларди. «Салом, Йўлбарс!», дерди у ит билан тўқнаш келган кезлари. Ит ҳам Умарни кўриши билан сапчиб турар, керишар, уни қарши оларди. Умар итга «Сариқ тойчоқ» деб исм қўйиб олганди. У «Сариқ тойчоқ»ни қучар, минар, кўнглини шод этарди. Бу итга хушёқар, Умарнинг келиши, устига минишини тоқатсизлик билан кутарди. Муса чол итни тунлари омборда қолдириб кетарди. У колхознинг қонуний аъзосига айланган, фақат омборни қўриқлагани учун колхоздан ҳақ талаб қилмасди. Ит қишлоқ одамларини яхши танир, лекин тунлари ҳеч кимни омборга яқинлаштирмасди. Умаргина тунда ҳам ботиниб итнинг ёнига кела оларди. Итга, Муса чолдан ҳам кўра мана шу кўзлари катта, қиррабурун, оқ юзли Умар яқин бўлиб қолганди. Ана шу севимли ит Умарни оқсоқ қилиб қўйганди. Дўсти туфайли Умар умри бўйи оқсоқланиб юриши керак эди...

— Отсанг-чи!— болаларнинг ҳайқириқлари Умарни ҳушига келтирди.— У апил-тапил милтиқни чангаллади ва бармоғини тепкига яқинлаштирди. Босди. Тепки босилди-ю, лекин овоз эшитилмади. «Худога шукур,— кўнглидан ўтказди Умар,— ҳайрият, тепкини кўтариб қўймаган эканман». Умар қўлларини бўшатди ва чуқур нафас олди.

— Умар!

— Жипинилар, нега бақирасаңлар?!— деб юборди Умар ва еб қўйгудек болаларга тикилди.

— Оёғингни чўлоқ қилиб қўйган итни нега аяяпсан?

«Чўлоқ қилса, менинг оёғимни чўлоқ қилган», ўйлади Умар ва итга термилди. Ит қалт-қалт титрар, кўзларн ялтирарди. Умар хаёлга чўмди. Мактаби, омборхона, итга миниб ўйнаган кезларини эслади. Кейин бирдан кўзлари олдига марҳум онаси келиб туриб қолди. У онасни эсламасликка, зўр бериб миясидан чиқариб ташлашга урниди. Бўлмади. Миясига михланиб тураверди. Онаси ҳақидаги ўй на қўзғалишга, на бир нарса дейишга имкон берарди. Шундай қилиб, у ўз ихтиёрисиз онасини хотирлай бошлади...

У учинчи синфга кўчганди. Бу пайтга келиб, ҳарбийдан бир қўл бўлиб қайтган отаси ичадиган бўлиб қолганди. Уруш, уруш даҳшати отасини шундай аҳволга солиб қўйди. Отаси қўли билан бирга дўстларини ҳам бериб қайтганди. Ҳамюртлари, дўстларидан жудо бўлгандан сўнг ичмасдан иложи йўқ эдида! У кўкламда далага, қўй боқишга кетар, кузда қайтар, ҳамюртларини хотирлаб ароқ ичарди. Оппоқ қорлари билан қиш келди. Умарнинг онаси оғриб қолди, ўзини тўшакка ташлади-ю, қайтиб турмади. Онаси қилтамоқ касалига дучор бўлганди. Кўклам келди. Отаси қўй боқишга жўнади. Умар эса уйда онасига қараб қолди. У мактабга қатнар, дардини жимгина итга ёрарди. «Йўлбарс! Ойимнинг аҳволи ёмонлашиб қолди, овқат емай қўйди,— дерди у кўзлари ёшланиб.— Худодан

ойимнинг соғайиб кетишини сўра!». Ит Умарга термилар, кўзлари хасратга тўлиб: «Умаржон! Жоним!—дерди гўё боланинг назарида.— Мен эрта-кеч худодан ойингнинг соғайиб кетишини сўраяпман. Охим худога етади, ойинг соғайиб кетади». Ит ўша кезлари Умар учун бирдан-бир сирдошига айланганди. У ҳамдарди — итти бирор вақт унутишига ишонмасди. Унутиши мумкин ҳам эмасди. Инсон! Ахир инсонда меҳр-муҳаббат туйғуси мавжуд. Инсон яралгандан бери ит зотига илтифот кўрсатиб келади. Ўзидан кечса ҳам итга сарфлаган меҳр-муҳаббатдан кечолмайди...

Умарнинг онасини район марказидаги шиfoxонага олиб кетишди. Кўкрагини кесиб кўришибди. Рак экан. Тузатишнинг иложи бўлмабди. «Тузалиб кетасиз», дея кесикни тикиб қўйишибди. Бемор тузалмади. Ўлди. Умарнинг онаси ўлди. Оддий одамлар қатори, ахир ҳар сония одамлар туғилади, ўлиб туради-ку! Ёш кетди, бояқиш. Ёлғизгина ўғилчасини етим қолдириб кетди. Одамлар мурдани ювиб, кафанга ўрашди-да, тобутга солишиб, олиб кетишди. Норасида Умар белини боғлаб, қўлига ҳасса тутиб қабристонга борди. Онасини қолдириб қайтди. Муқаддас, азиз онагинасини... Қайтаётиб, тўғри Йўлбарснинг ёнига бурилди. Қучиб, тўйиб-тўйиб йиғлади. «Йўлбарсжон,— деди ихраб.— Ойим ўлди. Улиб қолди. Кўмиб келяпмиз. Энди нима қиламан? Худодан ойимнинг тирилиб қолишини сўра! Илтимос, сўра!» «Умаржон! Жоним! Сенга қўшилиб мен ҳам йиғлаяпман,— дерди ит боланинг тасаввурнда.— Худо бўлганимда ойингни қайтадан тирилтирган бўлардим, туфилмак — ўлмак — ҳақ. Барча тирик жоннинг

қисмати шундай. Онанг ўлди. На чора, тақдирга тан бергин. Бир вақтлар менинг ҳам онам бор эди. У ҳам ўлди. Инсон! Инсонда ирода бор. Шу иродаси билан биз жониворлардан фарқ қилади. Раҳмиларнинг раҳмисини, шафқатлиларнинг шафқатлисини ҳам шу инсон. Эслайсанми, болажон? Қачонлардир ўзинг емай, менга тутардинг... Илоё, онанг тирилиб қолсин-у, мен ўлай!»

Умар жимгина уйига қайтувди. Онасининг ўлими отасини эгиб кетганди. Бояқиш отаси аламини яна ичкиликдан ола бошлаганди. Даладан қайтар, арақ олиб келиш учун Умарни бўзчининг моқисидай магазинга югуртирарди. Тунлари ҳам Умар магазин қоровулига бўйин сиқиб, арақ сўраб борар, олиб келарди...

— Қани, болалар! Умар итни отмаса ўзимиз уриб ўлдирамиз,— деган ҳайқирикдан у фикрини йигиб олди. Пешонаси тиришиб, кўзлари катта очилди. «Энди от,— мурожаат қилди Умар кўнглидан ўзига-ўзи.— Сен отмаган тақдирингда ҳам бари бир болалар уриб ўлдиришади».

— Қўлларимда қувват қолмади,— мингиллади кейин у.— Отолмайман...

— Милтиқни менга бер,— деди Шермат изтиробдан бўғилаётган Умарни туртиб ва милтиққа ёпишди.

— Шошма, ўзим отаман,— ўшқирди Умар Шерматга ва ғазаб билан туртиб юборди.— Сени эмас, мени чўлоқ қилган. Ишинг бўлмасин.

— «Отам билан овга бордим, тулки отдим», деганинг ёлғон экан,— зарда қилди Шермат,— қўрқоқ, ёлғончи.

«Қўрқоқ,— хаёлан такрорлади Умар.—

Ростдан ҳам қўрқоқ эканман. Қўрқмаганимда ҳалиёқ отиб ташлаган бўлардим. Йўқ, қўрқаётганим ҳам йўқ. Нимагадир...»

— Отамни чақириб чиқа қолсам-чи,— деди кейин Умар секин. У отасини эслаб туриб, яна хаёлга чўмди. Хотирасида отаси билан боғлиқ бўлган бир воқеа жонланди. Бу воқеа онасининг ўлиминдан салгина кейин юз берганди...

Тўртинчи синфда ўқиётганди шекилли... ҳа, шундай эди. Отаси ҳамон ичар, арақ унинг учун сўнгги илинжга айланиб қолганди. Дала-ни, қўйларни ҳам йиғиштириб қўйганди. Умар уйи билан магазин орасида ҳамон зир югурарди. Бу пайтга келиб отаси уйланаман, деган одат чиқарганди. Сал кун ўтмай бу ҳақиқатга айланди. Ўша кунларнинг бирида уйларига икки киши меҳмон бўлиб келди ва ичкарига кириб кетишди. Ичдилар. Умар уларга арақ ташиб турди. Тун яримдан оққанда меҳмонлар қўзғалишди. Улар оёқларида туrolмасди. Узун бўйли, кўзлари кичкина меҳмон Умарнинг бошини силаб туриб: «Сенга ойи олиб келиб берамиз», деди. Умар меҳмоннинг қўлини қайириб ташлади: «Менга ойи керакмас, ўзингизга ойи топиб олинг,— деди ҳўнграб.— Ўзимнинг ойм тирилиб келади». Меҳмонлар кетишди. «Хотин оламан»,— деди отаси қаҳ-қаҳ отиб. «Дада,— деди Умар ёлвориб,— менга ойи керакмас. Ойим тирилиб келади». «Югур, арақ олиб кел,— бўкирди отаси.— Ҳу тирранча, отага гап ўргатишини сенга ким қўйди!»

Қишлоқ ухларди. Тонг отиб қолганди. Умар пулни чангаллаб магазинга югурди. Кетаётиб Йўлбарснинг ёнига бурилди. Ойдинли

тун эди. Оппоқ ойдинли тун. Олам ой пурига кўмилганди. Йўлбарс тумшугини оёқлари устига қўйиб, миқ этмай ухларди. Умар итни кўриши билан кўнгли тўлиб кетди, пиқирлаб ўзини итга отди. «Йўлбарс! Отам уйланмоқчи!», дегани эсида. Кейин нималар бўлганини хотирлай олмасди. Ит сапчиб тургани, оғзини очгани, оёғига ёпишганини хира эсларди. Оёғи, вужуди қаттиқ оғриган, иссиқ бир нималар оққанди. Умар ҳушига келиб ўзини уйида, отасининг тиззасида кўрди.

— Болам, ҳаммасига мен сабабчиман,— дерди отаси йиғлаб,— ичмай ўлай! Нега тунда сени араққа юбордим?!..

Ит оёғини тишлаб силкигани, у жонҳолатда: «Йўлбарс! Менман — Умарман!», дегани, ит таниб қолиб, ўзини деворга ургани, хазин ва маъзун ҳуриганини ҳам Умар яхши эсларди. Уша куни врачлар келишиб дори-дармон қилишди. Беморнинг қонини олиб кетишди. Кейин уколлар қилишди. Танасини илматешик қилиб юборишди. Шундай қилганда у қутурмай қолар экан. Болалар ҳам ёнига яқинлашмас, Умар қутуриб қолади, деб мазах қилишарди. Умар қутурмади. Фақат оқсоқ бўлиб қолди. Унг оёғи тиззасидан жароҳатланган, пайларин ҳам узилганди. Умар юриб кўрди. Оёғини тўғри босолмади-ю, ҳўнграб юборди. Шу ондан бошлаб отасига: «Милтиқ олиб берасиз, итни отиб ташлайман», дея илтимос қила бошлади. Отаси милтиқ олиб берди. Умар итни излади. Излади. Лекин узоқ вақт тополмади. Икки йил ўтди. Мана, ниҳоят келиб қолди. Энди отиши, отганда ҳам пешонасидан отиши, ўчини олиши керак эди... Умар хаёллар ва хотирадан ҳақиқатга қайтди.

— Сен мени чўлоқ қилиб қўйгандинг,— дедн у ҳақиқатга қайтган кез.— Учимни оламан. Лекин сени ях... ях... яхши...— Умар ду-дуқланиб қолди.

— Умар! Қочаяпти...

Умар қулоқларини беркитди ва кўзларини юмди. Болаларнинг ҳайқириқлари тинди. Ит-пи ҳам бир нафасга кўзлари олдидан йўқотди. Ниҳоят, у кўзларини очди, қўлларини эса қулоқларидан олди. Итга термилди. Ит! Итнинг кўзларидан шашқатор ёшлар оқиб, ерга тушар, тупроқни ҳўл қиларди. «От, ота қол!— илтижо қиларди ит ёлвориб Умарнинг назарида.— Қанча тез отсанг, шунча яхши бўлади. Умаржон! Сенга қийин бўлди. От-у, мени ҳам, ўзингни ҳам тинчит! О, болажон! Мен сени қанчалар севардим. Бир нафас кўрма-сам, юрагим ўртаб кетарди. Йўлингга термил-либ, узлуксиз ҳулардим. Янглишувлик бўлди. Сени чўлоқ қилиб қўйдим. Асли сен ҳам, мен ҳам айбормасмиз. Ҳаммасига арақ, ҳа арақ сабаб бўлди. От! Энди менга бари бир. Муса чол ҳам ҳайдаб юборди. Чунки керак бўлмай қолдим. Бошқа кучукча боқди. Бир пайтлар мени от қилиб минган болалар ҳам ҳозир ўл-гудай калтаклашди. От, ота қол! Сўнгги илин-жим — сени кўриш эди. Кўрдим. Энди армон-да кетмайман. От, мени азоблардан халос эт!»

Умар чўпон ўғли, қишлоқ боласи эди. У отлар, охулар, қушлар, итлар кўзларини кўп бор кузатганди. Ўша кўзлар унга доим содда-дил, самимий, маънос ва ғамгин, кўпроқ сеҳр-ли туюларди. У одамлар кўзларида бундай туйғуларни кўролмаганди, чунки одамлар кўз-лари ҳар сония турли ҳил аломатлар касб



этиб, отлар, оҳулар, қушлар, итлар кўзлари-  
даги каби соддадиллик, самимийлик, сеҳрни  
идрок қилишга ҳалал бериб келарди. Шу кез  
у итнинг кўзларида ана шундай оташин бир  
сеҳрни кўрди ва тилсиз жонивор қаршисида  
ўзини мутлақо ожиз ҳис қилди.

— Умар!

— Йўқ! Йўқ!— ҳўнграб юборди Умар ва  
милтиғини боши узра кўтарди-да, бор кучи  
билан ерга урди. Милтиқ парча-парчаларга  
бўлиниб кетди. Умар жазавага тушиб милтиқ  
парчаларини ҳам тепди ва юзини чангаллади.  
Кейин орқасига ўгирилди-ю, ўқ тезлигида  
уйига кириб кетди. Ўзини тўшакка отди. У  
тўйиб-тўйиб, ихраб-ихраб йиғлар, тинмай ит-  
нинг исмини такрорларди:

— Йўлбарс! Йўлбарс!

Бир пайт Умарнинг қулоқларига: «Ўлди,  
Йўлбарс ўлди!» деган ҳайқириқлар эшитил-  
ди. Эшитилган кез Умар сапчиб турди-да,  
ташқарига отилди. Кўчага чиқди. Чиқди-ю,  
вужуди қалтираб кетди. Йўлбарс катта йўл  
устида, тупроқ устида чўзилиб ётарди. Умар  
тиззалари билан ерга чўкди. Итни туртиб  
кўрди. Ит қимирламади...

— Йўлбарс... Йўлбарс!— шнвирлади у ва  
итнинг кўзлари, тумшуғи, қулоқлари, оёқла-  
рини силади.— Аблаҳлар! Аблаҳлар!..

Узоқ қирлар, узоқ чўққилар, узоқ дарёлар,  
узоқ осмондан ит ҳуриши эшитилар, акс-садо-  
га қўшилиб, Умарнинг қулоқларига оқиб ки-  
рарди:

«Умаржон! Жоним! Мени кечир...»



## ҒАЛАТИ ОДАМ

Бири чап, иккинчиси ўнг елкасига қўш-оғиз милтиқ осган икки киши шошилмай тепалик томон кўтарилиб боришарди. Қор сийрак, қуруқ бўлгани учун катта қадам ташлаш қийинлашиб, одамлар керза этиклари учини эҳтиёткорлик билан ерга босиб илгарилардилар. Тарғил телпагини қалин қошларигача бостириб олган, қизил пахмоқ шарфи қора пальтоси ёқаларига ёйилиб тушган чап томондаги одам қулоқларини дигр қилиб ҳамроҳининг гапларини тинглаб борар, баъзан бош кўтариб узоқ-узоқларга қараб қўярди.

Кўтарилиб келаётган қуёш юзини куйган тўнкага ўхшаш бир чўққи ёпиб турар, аста-секин пастда қолиб борарди. Ясланиб ётган қор, қуёш ёғдусида сочилган олтин зарралари янглиғ ялтираб йўловчиларнинг кўзларини қамаштирарди.

— Дўстим,— дея ниҳоят мурожаат қилди ҳамроҳига тор пешона, қисик кўз, паст бўйли одам, елкасини кўтариб милтигини ўнгларкан.— Яқинда «Кўзлардаги туйғулар» номли қиссангизни ўқиб чиқдим.— У бир пафас жимиб телпагини пешонасига тушириб бошининг орқасини қашиди-да, гапини давом эттирди.— Қисса менга жуда ёқди. Мен кўп йиллардан бери ов қиламап. Лекин сизчалик ҳайвонлар руҳиятини билмас эканман. Сиз бўри чанга-лига тушган от талвасасини кучли бир эҳтирос билан аниқ ва тиниқ ифодалябсиз. Мени кўпроқ — бўрининг мақсадига эришиш учун бор кучи билан ўлжасига ёпишиши, ейиш ҳирсида ёниб-ўртаниши ва отнинг ўз ҳаётини

сақлаб қолиш учун ёвузликка қарши бошлаган исёни ҳайратлантирди. Сиз бу курашда ёвузликнинг тантанаси ва эзгуликнинг тан бермай мағлубиятга учрашни маҳорат билан тасвирлабсиз. Даҳшат. Қиссани ўқиганимдан кейин отларга бўлган меҳрим бир карра ортди. Бўрилардан ҳаддан зиёд нафратландим.

— Одамлар билан ҳайвонлар орасида,— дея ҳамроҳининг гапини бўлди, кенг пешонали, қовоқлари бир оз салқиган баланд бўйли одам.— Жуда оз, яъни биз учун одатий тушунчага айланиб қолган оёқлар, тиллар тафовутигина бор, холос. Ҳайвонлар ҳам эркин, озод, таҳликасиз яшашни истайдилар. Фақат инсонгина уларнинг ишон-ихтиёрини чегаралаб қўяди. Ҳа, чеклаш-чегаралаш инсонгагина хос хислатдир.

— Университетда ўқиб юрган кезларимиз,— дея жимликни бузди паст бўйли одам,— ҳайвонлар ҳақида қисса ёзаман деб юардингиз. Ниятингизга етибсиз. Сизни бежиз овга олиб чиққаним йўқ. Бу, ҳайвонларни яна ҳам яқиндан билишингизга ёрдам беради.

— Ташаккур, беҳад миннатдорман,— баланд бўйли одам ҳайрат билан юксак чўққилардан тобора узоқлашиб бораётган қуёшга термилди.— Келишимдан мақсад ов қилиш ҳам эмасди. Ҳаво ўзгартириш ниятида эдим. Мен ҳайвонларга ўқ узолмайман. Умуман қўлга қурол тутиш мен учун оғир ҳол. Ҳатто сўйилаётган молни кўрсам гўштини еёлмайман...

— Хўп ғалати феълингиз бор-да,— паст бўйли одам ҳамроҳига қараб олиб, чап елка-

сини силкитди ва милтиғини ўнглаб йўлида давом этди.

Улар кўтарилиб бораётган, яъни кун чиқиш томонга бурилиб кетадиган тепаликнинг ости эгри-бугри сойлик бўлиб, сойликнинг тўрт томонини қоялар ўраб ётар, қояларнинг устки қисмигина харсанглар билан қопланганди. Сойликка ҳали ҳам қуёш нури тушиб улгурмаган, у ерда ранги ўча бошлаган тун пардаси ҳилпираб, аста-секин юксакликларга кўтарилиб кетаётганди.

— Қийиклар, ҳу, ана у харсанглар орасида бўлади,— деди ниҳоят паст бўйли одам тўхтаб, елкасидан милтиғини оларкан.— Овоз берсак чопиб тушишади.

Қўлларини чўнтагига тикиб, орқароқда тўхтаган баланд бўйли одам хаёлга чўмгани сабабли ҳамроҳининг гапини илғамади. Шу кез унинг кўзлари олдидан бир пайтлар Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида кўрган оқ халатли, йўгон сочларини кўксига ташлаб олган сарвқомат қиз ўтар, у бу гал қизни кийиклар орасида тасаввур қиларди. У ҳар гал кийикни эслаганда кўзлари олдига ўша Лайли келар, Лайлини эслаганда эса назарида кийиклар жоплаярди. Хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган ўша назокатли, пари — Лайли билан, ўз тасаввурида буйёд қилган кийик орасида табиий бир муштарақлик бор эди. Улар озорсизлиги, гўзаллиги, назокат ва нафосати билан унинг вужудини ҳарчанд ҳаяжонга солар, қалбини сеҳрли бир нур билан ёритиб, сархуш қилиб келарди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам дард-аламларини кўзларида ифода қилаётгандай туюлар, бу ҳол уни ҳар гал ўйлашга мажбур ётар, шунинг учун ҳам

қиссасини «Қўзлардаги туйғулар» деб номлаганди. У, бу бплан ўз туйғусига керагидан ошиқча хирс қўйган хаёлпарастларни эслатар эди.

— Авваллари бу ерларга овчилар кам келарди,— дея кутилмаганда паст бўйли одам ҳамроҳининг фикрини бўлди.

У хаёлларини тарк этолмай маъюс ёнига юзланди.

— Тушуна олмадим.

— Кийиклар ҳам илгарилари кўп бўларди,— дея паст бўйли одам гапини давом қилди.— Ҳозир овчилар кўпайган, кийиклар камайиб кетди. «Қамайиб кетди»,— кўнглидан ўтказди баланд бўйли одам.

— Нега ҳимоя қилишмайди?— сўради кейин у овоз чиқариб.

— Қим биледи. Ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Ўзингиз...

— Мен овга ўрганиб қолганман. Ов — жонитанам.

— Бошқалар ҳам сизга ўхшаш, ўрганиб қолишган-да.

— Бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Юринг, сойликка тушамиз. Овоз берсак кийиклар чопиб чиқишади, юринг.

«Инсон қуролни кашф қилмасдан илгари,— ўйлаб кетди баланд бўйли одам,— ер юзида қанчадан-қанча, турли-туман ҳайвонлар мавжуд эди. Инсон тафаккури қуролни яратди. Шу тариқа ажойиб-ғаройиб ҳайвонлар тури қирилиб кетди. Баъзиларидан ақалли кўргазмага ҳам қолмади. Келажак авлод бу ҳақда фақат тарихдан ўқиб олиши мумкин, холос. Ўша ҳайвонлар қисмати ҳам ер

юзидан қуриб кетган тиллар, миллатлар қисматига ўхшайди. О, нақадар даҳшат!»

Паст бўйли одам милтиғи қўндоғини бағрига босиб паслаб кетди. Баланд бўйлиги эса, мункиб, ўнгланиб ҳамроҳининг кетидан эргашди. Сойликка тушдилар. Паст бўйли одам милтиғини елкасига илди-да, қўлларини оғзига карнай қилиб қичқира бошлади:

— Ҳо-ҳо-ҳоҳо!

Баланд бўйли одам ҳамроҳининг туртиб чиққан кекирдаги, шишган томирларини диққат билан кузатаркан: «Қизиқ» дея жилмайди.

«Ҳо-ҳо-ҳов!»— узоқ-узоқлардан акс садо қайтди.

— Қийиклар аллақачаноқ бизнинг келганимизни сезишади,— деди бақришдан овози бир оз бўғилиб қолган паст бўйли одам.

— Қандай қилиб?

— Қийиклар,— дарҳол гапини давом қилди паст бўйли одам томоғини қириб,— шохларини харсангга тираб ётишади. Шу тариқа икки-уч чақиримда келаётган оёқ овозини сезишади. Сизгани замон жуфтакни ростлаб қолишади. Зарбдан ер ва тош титрармиш ва титраш кийик шохига кўчармиш. Қизиқ-а?

— Қизиқ,— шивирлади баланд бўйли одамнинг ҳайратдан пешопаси тиришиб,— қизиқ. Мен буни билмас эканман. Шохдек қаттиқ нарса тебранишни ҳис қилиш чиндан ҳам қизиқ... Ваҳоланки кийик шохи қаттиқ нарса...

— Табиатнинг қудратини қарангки,— мароқ билан сўзлай бошлади паст бўйли одам.— Уйлаб ҳайратга тушасан киши. Хўкизнинг бўйнига, бўриларнинг тишига, шернинг пан-

жасига, итнинг тилига, кийикнинг оёғига, инсоннинг бошига куч ато қилган. Кийиклар оёқ овозини шохлари билан ҳис қилиши жуда ҳам қизиқ...

— «Инсоннинг боши»га...— дея баланд бўйли одам ҳамроҳининг гапини такрорлади.— Куч ато қилиб табиат ҳар ҳолда янглишмаган. Бўлмаса ҳайвонлардан фарқи бўлмасди. Лекин унинг қўллари ҳам баъзан онгли равишда шу қадар кўнгилсиз ишлар қилди... Ҳайвонлар эса онгсиз равишда оёқлари, тишлари билан бир-бирларини маҳв этадилар. Масалан, америкаликларни оллинг, бечора ҳиндуларни бир неча асрлардан бери қурол билан тинимсиз ўлдирадилар... Умуман инсоннинг фожиаси ҳам шу боши — миясида. Тушуна туриб ваҳшийлик қилади. Бўри, шерларни йиртқич, дейди-ю, ўзи улардан кўра ортиқроқ йиртқичлик қилади, ҳайвонларни отиб ейди. Бу ҳам қизиқ...

— Ахир қурол инсон учун ўз-ўзини ҳимоя қилиш вазифасини ҳам ўтайди-ку!

— Ҳа, албатта... Шу қурол билан ўз-ўзини ўлдиради ҳам...

«Қизиқ,— ўйлай бошлади баланд бўйли одам,— кийиклар бир-икки чақиримдан оёқ овозини шохлари билан ҳис қилишаркан. Демак уларда ҳиссиёт одамларга қараганда ортиқроқ тараққий қилган экан-да. Табиатда ҳақиқат бор. Кийикни ҳайвонларнинг энг озорсизи, назокатлиси қилиб яратди». У шуларни мушоҳида қилиб туриб, ногоҳоний ўша «Лайли»ни эслаб қолди... Чиндан ҳам кийик билан ўша «Лайли» орасида умум бир ўхшашлик, яқинлик мавжуд эди.

— Кийикларни жуда яхши кўраман. Шу-

нинг учун ҳам ов қиламан,— дея паст бўйли одам ҳамроҳининг диққатини тортди.

«Кийикларни яхши кўраман, шунинг учун ҳам ов қиламан»,— кўнглидан такрорлади баланд бўйли одам. Бу, унга шундай ғайритабиий туюлиб кетдики, ҳатто юраги увиша бошлади.

— Қизиқ,— деди кейин у ҳамроҳига юзланиб,— яхши кўрсангиз, нима учун уларни отасиз? Қизиқ. Кейинги пайтларда одамлар мен тушунмайдиган қандайдир тилда гапираётганга ўхшайди. Қизиқ, қандай тушунса бўлади буни? «Яхши кўрганим учун ов қиламан...» Демак, севган кишининг ҳам сева туриб ўлдиришнинг мумкин экан-да.

— Яхши кўраман, шунинг учун ҳам ов қиламан, вассалом. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг,— афтини буриштирди паст бўйли одам эҳтиросдан титраб.— Одам табиат томондан ўзига нисбатан этилган ҳайвонларни ейиш билан ҳаётини сақлаб қолади. Тириклик қонуни шундай. Кўп вақтлардан бери Ота кийикнинг орқасига тушганман. Лекин отолмайман. Кўплар ҳам уришиб кўришди, бироқ ҳеч ким отолмади. У шайтоннинг ўзгинаси.

— Сиз, Ота кийикни отсангиз, қолган кийиклар нима қилишади?— эзилиб сўради у.

— Бошловчисиз қолишади, кейин бошқаларни ҳам осонгина отиб олаверасиз. Шунда овчиларга ҳам осон бўлади.

— Ҳммм...— деди у ва юрагида оғир санчиқ қўзғалганини ҳис этди. Кейин у бошини кўтариб, йўлдан адашиб қолган кийикни отишнинг қизиғи йўқ демоқчи бўлди-ю, ашаддий овчи — ҳамроҳини ранжитиб қўйишни ўй-



лаб фикридан қайтди.— Чарчаганга ўхшайман, қайта қолайлик.

— Қизиқмисиз, қанн юринг, ичкарироққа кирамиз,— деди паст бўйли одам ва илгарилари.

У сўзсиз ҳамроҳининг ортидан қадам ташлади.

— Ҳу, анави харсанглар орқасида бўлиши керак. Ҳо-ҳо-ҳов!

«Ҳо-ҳо-ҳов!»— акс садо аста-секин сўнди, сўниши билан узоқдан дўпир-дўпир туёқ овозлари эшитилди.

У шартта бошини кўтарди-да, уён-буёнга аланглай бошлади. Унинг қошлари йиғилиб-ёзилар, пешонаси тиришар, лаблари учар, вужудида янги бир туйғу, яъни кийикларни яқиндан кўриш туйғуси қўзғолганди. Озорсиз, назокатли кийикларга бўлган оташини меҳр туйғуси!

— Эшитяпсизми? Нега қараб турибсиз! Ҳозир биз томонга чопиб чиқишади. Милтиғишгизни олинг!

У шошиб милтиғини ушлади. Лекин сал ўтмай яна қўлини туширдп. Нима учун шундай қилганига ўзи ҳам тушунмади.

— Нега қараб турибсиз?

— ...

Ниҳоят бир тўда кийиклар харсанглар орасидан ўқдай отилиб чиқишиб, кун ботиш томондаги жарлик томон чопиб кетишди. Бироқ жарликка етмасдан орқаларига қайтишди. Сарғиш, совитилган отга ўхшаш кўкраги кенг, йўғон шохлари бўйнига эгилиб тушган катта Ота кийик тўдани бошқариб борарди.

«Ота кийик ўша бўлса керак,— деган фикр урилди унинг миясига,— қандай чиройли-а?

— Тезроқ милтиғингизни олинг!

— ...

Тўдани бошқариб бораётган Ота кийик туёқларидан қор аралаш лой сачратиб, пишқириб жарликка етганда тўхтади-да, орқасига ўгирилди. Шу кез Ота кийикнинг юраги дук-дук ураётгани, кўзлари тиниб, боши айланётганидан одамлар беҳабар эдилар. Қандай қилиб ҳам хабардор бўлишсин! Танаси бошқа оғриқ сезмайдик-ку!

Кийик сония сари оёқларига зўр берар, ўпкаси оғзига тиқилиб, чакалакзор томонга чопарди. Чопаркан, кўзлари олдида бир пайтлар уни эргаштириб юрадиган Ота кийикнинг талвасаси ўта бошлади. Бола кийик ўшанда жарлик устида кўтарилган қуюқ тутунни кўрган, кейин «пақ-пуқ» овозини эшитган, сал ўтмай ўша ерда икки оёқли иккита нарса бош кўтариб Ота кийик томон югуриб тутишганди. Ўша кезлар у оёқлари узун кийикча бўлиб, ўқ ва одамларга илк бор дуч келганди. Ота кийикнинг пешонасидан қон оқиб кўзларига тушган, пишқириб шохи билан ер титган, оёқларини ёзиб мунгли маъраган, сўнг жим бўлиб қолганди. Ўша кунни уни оёқлари орасига олиб эмизадиган, кўзлари, пешонаси, оёқларидан ялайдиган Она кийик ҳам эсанкираб қолганди. У қочиб бораётиб Она кийикнинг бағрига сиқилган, салдан кейин бўйнига иссиқ бир нималар томганини ҳис қилганди. Она кийик Ота кийикдан жудо бўлгач, кўзлари ёшланганди. Она кийик бир неча кун уни олдига келтирмаган, тепганди. Шундан бери у Ота кийикни кўрмай қолганди.

Тўдани бошқариб бораётган ва ҳамон ўша Ота кийик талвасасини кўзлари олдидан қо-

чиролмаётган иккинчи Ота кийик харсанглар орқасидаги чакалакзорга етиб, пишқирди ва кескин орқасига ўгирилиб тепа томонга йўл солди. У сув-сув терлаб, чопиб борар, кўзлари олдидан энди бошқа бир манзара, яъни чакалакзорлардан эмаклаб чиқишиб, у оппоқ, лаззатли сутидан эмган, бағрига кириб ухлайдиган Она кийикни судраб, еб кетишган тўрт оёқли нарсалар ўтарди.

Бир куни Она кийик чопиб келиб, ўзини чакалакзорга урган, бир неча дақиқадан сўнг ўша тўрт оёқли нарсалар уни ўраб олиб йиқитганди. Она кийик аламли маъраган, баданидан қонлар отилиб кетганди. У фақат бир мартагина Она кийикка қарашга улгургану, сўнг ўзини тўдага урганди. У узлуксиз чопган, чопаверган, зўрға ҳалокатдан қутилиб қолганди. У қалт-қалт титраган, ниҳоят тўхтаб ерга йиқилганди. Ўпкаси ёрилишга келганди. Қийикчалар атрофини ўраб олишган, у эса йиғларди. У онаси — Она кийик қисматига йиғлаганди. Шу-шу бўлди-ю, у оппоқ лаззатли сутидан эмган, оёқлари, бўйни, пешонасидан ялаган Она кийикни қайтиб кўролмади. Кейин тўрт ва икки оёқли нарсаларни кўрса қочаверди... қочаверди.

У ҳамон чопар, қора терга тушиб, «пақ-пуқ» овозни кутиб чопарди.

— Милтифингизни олинг, ҳозир биз томопга яқинлашади,— дея паст бўйли одам ҳамроҳини ўзига қарашга мажбур қилди. Баланд бўйли одам эса кийикларга термилиб туриб, ўйга толганди. У зўр бериб ҳозиргина тасаввурида бунёд қилган манзарани қайта жонлантиришга тиришди. Топди... Ўзларини телбаларча турли томонга ураётган кийиклар

бу кез гўё сариқ тўлқинларга айланган, қуюн зарби билан харсангларга урилиб гўё мана, мана парчаланиб кетаман дерди.

«Қизиқ,— хаёлидан кечирди у,— шима учун бу манзара кўзларим олдига келди? Нима учун шундай, фақат шундай манзара?» У қанча ўйламасин, бари бир аниқ бир қарорга келолмади.

«Дўпир-дўпир» туёқлар овозидан ниҳоят у ўзига келиб бошини кўтарди ва тўдани бошлаб, ўқдай учиб келаётган Ота кийикни кўрди. Кейин бирдан «гумбур-гумбур» овоздан чўчиб тушиб, учишга шайланган бургутдай ёнига ўгирилди-ю, қотиб қолди. Тутунлар аста-секин тарқаларди. Шунда у боши билан ерга санчилиб, типирчилаб ётган Ота кийикни кўрди. Ота кийик! У типирчилаб ётар, тўда эса орқага қайтиб, келган томонга чошиб борарди. Орқада ажралиб қолган сариқ урғочи кийик — Ота кийик тепасига келди-да, бошини эгиб хазин маъради. Кўзлари тиниб кетган урғочи кийик на қочишни, на қочмасликни билмасди. Баланд бўйли одам урғочи кийик тимсолида ўша «Лайли»ни яқиндан, жуда яқиндан аниқ кўришга муяссар бўлди.

— Отманг,— деди жонҳолатда баланд бўйли одам, ҳамроҳининг милтигини ерга босиб.— Кет-кет!!!

Одамлар ғазаб билан бир-бирларига қараб қолишди. Лекин ҳеч нарсаси тушунолмадилар. Нафратларини фақат кўзларидагина ифода қилиб чекландилар.

Силлиқ, тирсиллаб турган кўкраги кафтдай ўйилиб, тирқираб қон оқаётган Ота кийик ҳамон ихрар, маърарди. «Мууу...»

У мажолсиз кийик тепасига келди.

Қийик катта, тарғил кўзларини унга тикиб яна хазин ва маъзун маъради. Силлиқ қовоқлари орасидаги тарғил кўзлар шу кез тепасидаги икки оёқли нарсага: «Ўтир, ёрдам бер! Оёгимни сила, оғриқни олиб ташла! Мен сизларга нима ёмонлик қилдим?! Қайси қилмаган гуноҳларим учун отдиларинг?! Мени турғазиб юбор. Тўдамга етиб олай. Тезроқ-тезроқ!» дея илтижо қиларди.

У қотиб турар, қалт-қалт титрарди. Ота кийик сўнгги бор унга маъюс, хазин термилди. Жони танасини тарк этаётган ҳозирги дақиқаларда унинг кўзлари ва хотирасига қаршисидаги икки оёқли нарсасига ўрнашиб қолди.

— Қойил қилдимми?— деган шодон қийириқдан баланд бўйли одам чўчиб тушиб, орқасига ўгирилди.— Ниятимга етдим. Ота кийикни отдим. Энди бошқа овчиларга ҳам осон бўлади.

— ...  
— Ҳоса юз кило гўшт қнладн. Арақ билан роса бир ҳафта еймиз. Дўстларни чақирамиз...

— ...  
— Қани келинг, ёрдамлашинг, олиб кетамиз,— дея мурожаат қилди паст бўйли одам камарини сугуриб, шошнлич кийикнинг шохига боғларкан.— Афсуски олиб кетишинг иложи йўқ, бўлмаса қолганларини ҳам отардим.

У елкасидаги милтиқни шиддат билан силтаб ҳамроҳининг оёғи остига ташларкан, яна бир бор сойликка қаради. Кийиклар тўзғанган пардай ҳамон ўзларини дуч келган томонга уришарди.

Унинг қўллари шалвираб, орқасига қай-

тар, тартибсиз қадам босар, оёқлари тошга тегиб қоқилар, гўё танаси ўзиникимасдай туюларди. Кўзлари олдига эса яна ўша оқ халатдаги, сочларини кўксига ташлаб олган сарвқомат «Лайли» келиб тўхтаб қолган, бу гал у қиз кўзларини ёшланган ҳолда кўрарди.

«Бўрининг тишига,— ўйлаб борарди у,— ҳўкизнинг бўйнига, шернинг панжасига, итнинг тилига, кийикларнинг оёғи, шохига, одамнинг бошига куч ато қилган».

«Табиатнинг қудратини қарангки, ўйлаб ҳайратга тушасан киши,— дея унга мурожаат қиларди кимдир.— Инсонга ақл ато қилган».

— Маъруф! Қайтинг! Тавба, у чиндан ҳам ғалати одам.

Баланд бўйли одам ҳамроҳининг овозини эшитди, лекин орқасига қарамади.

У қайтар, овчи билан абадий юз кўриш-майдиган бўлиб қайтарди.



## МУНДАРИЖА

Дунёни англаш . . . . .	3
Япроқлар тўкилди . . . . .	18
Булутлар фасли . . . . .	34
Сеҳрли кўзлар . . . . .	52
Ғалати одам . . . . .	66

На узбекском языке

УКТАМ ХАКИМАЛИ

**РАССВЕТ**

Издательство «Еш гвардия» — Ташкент —  
1980

Редактор Тўлқин

Рассом М. Шувалова

Расмлар редактори Э. Валиев

Техн. редактор Р. Аҳмаджонова

Корректор С. Сайдалимов

ИБ № 610

Теришга берилди 4.10.1979 й. Босишга рух-  
сат этилди 11.01.1980 й. Формати  $70 \times 90^{1/32}$ .  
№ 1 босма қоғозга «Литературная» гарниту-  
рада юқори босма усулида босилди. Босма  
листи 2,5. Шартли босма листи 2,92. Нашр  
листи 2,83. Тиражи 15000. Шартнома  
66—79. Баҳоси 20 т. Заказ № 1963. Р—05514.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш  
гвардия» нашриёти, 700129. Навоий кўча-  
си, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашри-  
ётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмахонаси, Тошкент, «Правда Востока»  
кўчаси, 26.